Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН № 74 (7214). ● 16 апрель, 1980 йил ● ЧОРШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ МЕҲНАТКАШЛАРИ! КПСС XXV СЪЕЗДИНИНГ ТАРИХИЙ ҚАРОРЛАРИНИ БАЖАРИШ УЧУН КУРАШИНГИЗ! РИВОЖЛАНГАН СОЦИАЛИЗМ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ТЎЛИҚРОҚ ЮЗАГА ЧИҚАРИНГИЗ!

(КПСС Марказий Комитети чақириқларидан).

МЎЛ ҲОСИЛ УСТАЛАРИ САФИГА ҚЎШИЛИНГ!

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

ОБЛАСТЬ қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил), ноябрь (1979 йил) Пленумлари қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумлардаги доклади ва сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифаларни бажара бориб, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш ҳамда беш йиллик планни муддатдан илгари бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига актив қўшилиб, об-ҳаво қийинчиликларини мардонавор енгиб, 1979 йилда давлатга пахта сотиш юзасидан олинган юксак социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар.

Область хўжаликлари пахтачилик тарихида биринчи марта давлатга 471,6 минг тонна пахта топширдилар. Бу пахта тайёрлаш йиллик ҳажмида белгиланганидан 51,6 минг тонна, 1975 йилда эришилган даражадан эса 9,6 процент кўпдир. Ҳар гектар майдондан ўртача 34,7 центнердан хирмон кўтарилиб, жами ҳосилнинг 81,8 процентни машиналарда териб олинди.

Эришилган бу ютуқ колхозчилар, совхоз ишчиларининг фидокорона меҳнатлари, партия комитетлари, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг катта ташкилий ва сиёсий ишлари, ер ва сув ресурсларидан, минерал ўғитлардан, гербицидлардан ва бошқа моддий-техник ресурслардан самарали фойдаланилганлиги, фан-техника ютуқларидан ва илғор тажрибаларни кенг қўлланиш натижасидир.

Область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил ноябрь Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И.Брежневнинг шу Пленумда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган конкрет вазифалардан ғоятда руҳланган ҳолда 1980 йилга — ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилига кўтаринки кайфият билан қадам қўйдилар.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Москва шаҳар Бауман сайлов округи сайловчилари ҳузурида сўзлаган ёрқин нутқи, 1979 йил Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунига кўра пойтахт областига, илғор район ва коллективларга КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг, шунингдек, республика мусобақаси якунига кўра Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Республика Министрлар Совети, Узсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари берилганлиги қишлоқ хўжалик ходимларининг меҳнат ва сиёсий активликларини янада ошириб юборди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, совет халқлари турмуш фаровонлигини ошириш соҳасидаги ғамхўрликларига жавобан область пахтакорлари деҳқончилик маданиятини, иш сифати ва самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларн етиштиришни кўпайтириш мақсадида социалистик мусобақани кенг авж олдириб юбордилар ва 1980 йил учун юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар. Бу йил колхоз, совхоз ва бошқа давлат хўжаликларида камида 1979 йилги рекорд натижа миқдорида пахта етиштирилади.

1980 йил учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларни ва умуман беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун мусобақалашаётган Чиноз районидаги Киров номли колхозидан Турсуной Охунова, Бекобод районидаги «Далварзин» совхозидан Бобохон Отахонов, Бўка районидаги Ҳамза номли колхозидан Саодат Гулаҳмедова, «Октябрь 40 йиллиги» колхозидан Санд Иброҳимов, Коммунистик районидаги «Правда» колхозидан Анатолий Кан, Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхозидан Кан О Нам, Пискент районидаги Тельман номли колхозидан Ортиқ Мавлонов, Бекобод районидаги Ленин номли колхозидан Адолат Рўзиматова, Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» совхозидан Абдусаттор Сулаймонов, Янгийўл районидаги Х. Турсунқулов номли колхоздан Тошканбой Темиров, Оққўрғон районидаги «Коммунизм» колхозидан Ҳобил Тўрахўжаев, Ғалаба районидаги Свердлов номли колхоздан Наби Уринбоевлар бошлиқ илғор бригада коллективлари ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида ҳар гектар майдондан 52—60 центнер ва ундан ҳам ошириб ҳосил кўтаришга сўз бердилар.

Ўзбекистон КП область комитети, Т. Охунова, Б. Отахонов, С. Гулаҳмедова, С. Иброҳимов, А. Кан, Кан О Нам, А. Мавлонов, А. Рўзиматова, А. Сулаймонов, Т. Темиров, Ҳ. Тўрахўжаев, Н. Уринбоевлар бошлиқ бригада коллективларининг ҳар гектар пахта майдонидан 52—60 центнер ва ундан ҳам ошириб пахта ҳосили олиш юзасидан юксак социалистик мажбурият қабул қилиб бошлаган қимматли ташаббусларини маъқуллади.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, область касаба союзлари Совети, область комсомол комитети, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси, «Ташоблсельхозтехника», «Облсельхозхимия» ва «Ташзаготхлопкопром» бирлашмалари, колхоз-совхозларнинг партия ташкилотлари ва раҳбарлари зиммасига:

— Илғор бригада коллективларининг қимматли ташаббусларини бригада, участка ва хўжалик коллективларида кенг муҳокама қилиш, ҳар бир хўжаликнинг зиммага олган мажбуриятини сўзсиз бажарилишини таъминлайдиган конкрет тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ҳосилдорликни кўтариш мақсадида оммавий социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдирип учун ташкилотчилик ишларини кучайтириш;

— ошириллган мажбуриятлар қабул қилган бригадалар коллективларига мўл ҳосил кўтариш учун ҳар томонлама ёрдам бериш, ўз вақтида етарли миқдорда минерал ўғит, гербицид ва қишлоқ хўжалик техникаси ажратиб бериш, социалистик мусобақа ғолибларини моддий рағбатлантириш учун маблағлар ажратиш вазифаси юклатилди.

«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари редакцияларига, область телевидение ва радио эшиттириш бош редакцияларига 1980 йилда мўл пахта ҳосили олиш учун ўтказилаётган социалистик мусобақанинг боришини кенг ёритиш топширилди.



Турсуной ОХУНОВА,

Чиноз районидаги Киров номли колхозининг пахтачилик бригадаси бошлиғи, икки марта социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати.

ПАХТАДАН юқори ҳосил олиш учун курашда қишлоқ хўжалик техникасидан унумли ва оқилона фойдаланиш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Дарҳақиқат маҳсулот таннархини сезиларли даражада арзонлаштириш, деҳқон меҳнатини енгиллаштириш, ғўзага сифатли ишлов бериш ва етилган ҳосилни қисқа муддатларда нобуд қилмай териб топширишда техниканинг роли катта бўлмоқда.

Биз бир неча йилдан бери 60 центнер ва ундан ошириб пахта етиштириб келмоқдамиз.

Бу йил ҳосилдорликни 62 центнерга етказамиз.



Бобохон ОТАХОНОВ,
Бекобод районидаги «Далварзин» совхозининг пахтачилик бригадаси бошлиғи.

РАЙОНИМИЗ шароитида пахтадан юқори ҳосил олишни таъминлаш — биз деҳқонлардан катта маҳорат, сабот, ғайрат, чидам билан меҳнат қилишни талаб этади. Шунинг учун ҳам биз тинмай изланамиз, фан ютуқлари, илғор тажрибаларни ишлаб чиқаришга жорий этишга ҳаракат қиламиз. Натижада ҳосилдорлик йил сайин ортиб бормоқда. Мўл ҳосил усталари сафидан мустаҳкам ўрин олдик. Утган йили эса 60 центнерлик маррани эгалладик.

Доҳиймиз В. И. Ленин таваллудининг 110 йиллигини ва КПССнинг бўлажак XXVI съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун якунловчи йилда ҳосилдорликни 62 центнерга етказишга қарор қилдик.



Саодат ГУЛАҲМЕДОВА,

Бўка районидаги Ҳамза номли колхозининг пахтачилик бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ДЕҲҚОНЧИЛИК маданиятини юксалтириш — ҳосилдорликни оширишнинг бош омилидир. Алмашлаб экиш, ерни органик ўғитларга тўйдириш — бу борадаги энг муҳим иш ҳисобланади.

1979 йилда минерал ва маҳаллий ўғитлардан, қишлоқ хўжалик техникасидан самарали фойдаланиб, ҳар гектар майдондан 56,1 центнердан ҳосил кўтардик. Беш йиллик планни муддатдан илгари ортиғи билан бажардик.

Бугунги натижа эртанги марра бўлолмайди, албатта. Бизда ҳам ҳали фойдаланилмаётган резервлар бор. Мавсумда ана шу резерв ва имкониятларни тўла ишга солиб, ҳосилдорликни 62 центнерга етказишга қаратамиз. Ҳамма пахтани машиналарда ўнғиштириб оламиз.



Санд ИБРОҲИМОВ,

Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг пахтачилик бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ПАХТАЧИЛИК бригадасига раҳбарлик қилаётганимга 20 йил бўлди. Бу давр мобайнида кўплаб қувончли ва айни пайтда ташвишли кунларни бошдан кечирдик. Бироқ, ҳеч қачон ўтган йилдагидек қийин муаммога дуч келмаган эдик. Барча қийинчиликларни мардонавор енгиб, ҳар гектар майдондан 56,1 центнердан хирмон кўтардик.

Утган йил сабоқлари биз учун катта тажриба мактаби бўлди. Ғўзага ишлов бериш, суғориш, минерал ва маҳаллий ўғитлардан фойдаланишда, янги усулларни қўллаб маҳоратимизни янада оширдик. Шунга таянib, бу йил ҳам юксак мажбурият олдик. Ҳосилдорликни 60 центнерга етказамиз.



Анатолий КАН,

Коммунистик районидаги «Правда» колхозининг пахтачилик бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

1979 йилда об-ҳаво қийинчиликларини фидокорона меҳнат билан енгиб, ҳар гектар ердан 56 центнердан ҳосил олишга муваффақ бўлдик. Бу районимиз бўйича энг юқори кўрсаткичдир.

1980 йил учун белгиланган марраларимиз янада юксак. Ҳосилдорликни 60 центнерга етказиб, камида 95 процент пахтани машиналар билан териб оламиз. Бу — бригадамиз аъзоларини бемалол уддалай оладиган реал вазифадир. Чунки, биз чигитни тўла ва бир текис ундириб олиш соҳасида катта тажрибага эгамиз.

Ҳосил кўчатдан олинишини яхши биламиз. Гектарларда кўчатларни бутлаб, уни йиғим-терим даврigача тўла сақлаб қолишга эришамиз.



КАН О НАМ,

Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхозининг пахтачилик бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

БРИГАДАМИЗга 140 гектар майдон бириктирилган бўлиб, районимиздаги энг йирик колхоз-совхозлардан ҳисобланамиз. Лекин шунга қарамай, пахтадан ҳар йили узлуксиз рекорд ҳосил олаётирмиз.

Ўтган хўжалик йилида ҳосилдорликни 56,5 центнерга етказдик ва беш йиллик планни ортиғи билан бажарганлигимиз ҳақида рапорт бердик. Бундай ютуққа илғор пахтакорлар иш тажрибасини кенг қўллаш, механизаторларимиз, суғувчиларимизнинг касб маҳоратларини тинмай ошириб бориши ҳисобига эришаётирмиз.

Якунловчи йил учун юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилдик. Ҳосилдорликни 57 центнерга етказамиз, пахтанинг асосий қисмини машиналарда терамиз.



Ортиқ МАВЛОНОВ,

Пискент районидаги Тельман номли колхозининг пахтачилик бригадаси бошлиғи.

ТАНИҚЛИ пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳакимполвон Қодиров бригадамиз ерларида кўп йиллардан бери «оқ олтин»дан мўл ҳосил етиштириб келган. Эндиликда биз, шогирдлар устозимиздан меҳнат эстафетасини қабул қилиб олдик.

Ўтган йили ҳар гектар пахта майдонидан 51 центнердан хирмон кўтариб, тўрт йил давомида 2243 тонна «оқ олтин» топширдик.

Бу йил 125 гектар майдонга чигит экиб, 52 центнердан ҳосил кўтариш мажбуриятини олганмиз. Буни сўзсиз бажариш учун мавсумга ҳар қачонгидан ҳам пухта тайёргарлик кўрдик. Мавжуд ички резерв ва имкониятларни тўла ишга солиш тадбирларини белгилаб олдик.



Адолат РЎЗИМАТОВА,
Бекобод районидаги Ленин номли колхозининг пахтачилик бригадаси бошлиғи.

КОЛЛЕКТИВИМИЗ аъзолари 10 йилдан бери илғорликни қўлдан бермай келмоқдалар. Гектарлар ҳосилдорлигини оширишнинг ҳаддини олганмиз. Шунинг учун ҳам 60 центнерлик маррага етдик.

Пешқадам бўлиш осон эмас. Чунки, ҳамма ўрнак олишга, тенглашишга ҳаракат қилади. Биз эса бир жойда туриб қолмай, мудом илгарилаб боришимиз керак. Бунинг учун янги-янги резервларни ишга солиш лозим бўлади.

Коллективимизнинг меҳнат шиори шундай: «Бугун кечагидан, эртага бугунгидан яхшироқ ишлаймиз!». Амалда ҳам шундай бўлаяпти. Ўтган йили 60,5 центнердан хирмон кўтарган бўлсак, бу йил ҳеч бўлмаганда 61 центнердан ҳосил оламиз.



Абдусаттор СУЛАЙМОНОВ,
Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» совхозининг пахтачилик звеноси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

СОВХОЗИМИЗ Ғалаба районидаги энг кўп пахта етиштиradиган хўжаликдир. Бизда ғўзага ишлов бериш агротехникаси мунтазам такомиллашиб бормоқда. Илғор иш усулларини ўрганиш, янги машиналарнинг қандай ишлаши билан танишиш мақсадида совхозимизга ҳар йили кўплаб меҳмонлар келиб туришади.

Бизнинг звеномиз ҳам пахта етиштириш бўйича беш йиллик планни тўрт йилда бажарди. Ҳосилнинг 95 процентини техника ёрдамида йиғиштириб олмоқдамиз.

Бу йил оширилган социалистик мажбурият қабул қилдик. Ҳосилдорликни 55 центнерга етказамиз. Ҳамма пахтани машиналарда йиғиштириб оламиз.



Тошкентбой ТЕМИРОВ,
Янгийўл районидаги Ҳ. Турсунқулов номли колхозининг пахтачилик бригадаси бошлиғи.

ХЎЖАЛИГИМИЗ аъзолари беш йилликнинг тўртинчи йилини қувончли ютуқлар билан якунладилар. Натижада Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиқиб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини сурункасига иккинчи марта қўлга киритдик.

Ўтган йили ҳосилдорликни 50,5 центнерга етказиб, ўнинчи беш йиллик топшириғини тўрт йилда бажардик. Якунловчи йилда ғўзага ишлов бериш ва етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олишда техника восталаридан самарали фойдаланиб, ҳар гектар майдондан камида 52 центнердан хирмон кўтарамиз, 95 процент ҳосилни машиналар ёрдамида терib оламиз.



Ҳобил ТЎРАХЎЖАЕВ,

Оққўрғон районидаги «Коммунизм» колхозининг пахтачилик бригадаси бошлиғи.

Илғор тажрибаларни қўллаш, резервларни ишга солиш, техникадан унумли фойдаланиш ютуқларимиз омили бўлаётир. Ўтган йили 47 центнердан хирмон кўтариб, беш йиллик планни тўрт йилда адо этдик.

Бу йил пахта экиладиган ерimиз анча кенгайди. 120 гектар майдонга чигит экдик. Бригадамиз аъзоларининг мақсадлари ҳосилдорликни янада оширишдир. Қишлоқ хўжалик техникаси бизга катта мадад бўлади. Агротехник ишловни қулай муддатларда обi-тобида ўтказиб, йиғим-теримда мичатоволиклар методини қўлламиз, ҳар гектар майдондан 56 центнердан «оқ олтин» ҳосилни йиғиштириб оламиз.



Наби УРИНБОЕВ,
Ғалаба районидаги Свердлов номли колхозининг пахтачилик бригадаси бошлиғи.

ҒАЛАБА районн деҳқонларининг пахтадан мўл ҳосил етиштириш усталари сифатидаги довруғи, ҳатто республикага кенг ёйилган. Бизнинг хўжалигимизда ҳам ана шундай мириқшкор пахтакорлар оз эмас. Бригадамиз коллективи ҳам илғорлар сафидан мустаҳкам ўрин эгаллаган. Сурункасига социалистик мусобақа ғолиби бўлиб келмоқдамиз. Ўтган йили ҳам 57,5 центнердан ҳосил кўтариб, биринчиликни эгалладик.

Ўтган йил натижаларини чуқур таҳлил қилиб, қўшимча резерв ва имкониятлар ҳали мавжуд эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Ҳосилдорликни 60 центнерга етказиш имкониятига эгамиз. Айни кунларда шу юксак маррани сўзсиз эгаллаш учун қизғин кураш бошлаб юбордик.

ЎРОҚ ВА БОЛҒА ИТТИФОҚИ

КУНИ кеча КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил 1 Май Чақириқлари эълон қилинди. Бу илҳомбахш даъват барча Совет кишилари қатори бизни ҳам янги-янги меҳнат ғалабалари сари руҳлантириб юборди. Унда биз машинасозлар олдига ҳам аниқ вазифалар қўйилган: **«Совет машинасозлари! Серунум, тежамли ва пишиқ-пухта машиналар, приборлар, механизациялаш ва автоматлаштириш воситаларини яратингиз!»**.

Заводимиз ишчи ва хизматчилари самарадорлик ва сифат беш йиллигида ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш билан бирга бир неча хил янги маркадаги пахта териш агрегатларини ҳам ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар. Пахтани яруслаб (қаватма-қават) терадиган «зангори кема»лар, бултур сериали равишда тайёрлана бошланган пневмоподборщикли машиналар шулар жумласидандир. Бултур бундай янги агрегатлардан дала меҳнаткашларига 600 та етказиб берилди. Унинг қулайлиги шундаки, бир йўла ҳам тупда очилган пахтани, ҳам тўкилган пахтани теради.

Корхонамиз коллективи дала меҳнаткашлари оғирини енгил қиладиган янада серунум ва пишиқ-пухта агрегатлар яратиш устида изланишни давом эттирмоқда.

Х. ХОШИМОВ,
«Ташсельмаш» заводи токарлар бригадасининг бошлиғи, ВЛКСМ XVIII съездининг делегати.

ДЕПУТАТЛАР АҲДИ

ҚИШЛОҚ Советимиз территориясидаги хўжаликларда айни кунларда бажаргди дала ишлари жадал тус олган. Утган йили яхши кўрсаткичларни қўлга киритган М. Ҳолиқова, А. Саидакбаров, Ж. Ёқубова, М. Кукарадзе сингари депутатлар ва активларимиз бошлиқ бригадаларда белгиланган кўкламги ишлар комплекси айниқса муваффақиятли амалга оширилмоқда. «Северний маяк», Ленин ва Свердлов номли колхозлар, «Ўртасарой» совхози далаларида қайноқ меҳнат авжида.

Қишлоқ хўжалиги бўйича доимий комиссия азоларининг ташаббуси билан экиштикиш мавсумини қисқа муддатда сифатли ўтказиш учун кураш авж олмоқда. КПСС Марказий Комитетининг 1-Май Чақириқларидан руҳланган халқ вакиллари мўл ҳосилга пухта замин яратмоқдалар. Меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик кунини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш депутатларимизнинг шарафли бурчига айланган.

Ф. САИФУЛЛИНА,
Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли қишлоқ совети ижроия комитетининг раиси.

ЖАМБУЛЛИК ЧЎПОНЛАР ҒАЛАБАСИ

Чиноз районидаги Жамбул номли қўйчилик совхозан чўпонлари КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан руҳланиб, баҳор байрами арафасида ажойиб меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Улар қўзи олиш юзасидан ўниичи беш йилликнинг якунловчи йили учун олган юксак социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этишди. Совхозда ҳозиргача 20 минг 53 бош соғлом қўзи олинди. Бу план топшириғида белгиланганидан 3228 бош ортиқдир. Ҳар юз бош совлиқ ҳисобига 112 тадан қўзи олинди.

Шу кунларда чўпонлар баҳорги жун қирқишни бошлаб юборганлар. Улар давлатга жун сотиш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини ҳам муваффақиятли бажариш учун курашишмоқда.

ҲАМИША БАРҲАЁТ

Пойтахтнинг Ленин номли проспектида Ўзбекистон Журналистлар союзи ташкил этган фотокўргазма икки мавзуни акс эттиради. Унинг биринчи қисми «Ҳамиша барҳаёт» деб номланган бўлиб, доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига бағишланган. Республикамизнинг етакчи фотожурналистларининг суратларида Ленин ғояларининг тантанаси ўз ифодасини топган. Шунингдек, доҳий номи билан аталадиган корхона ва хўжаликлар ютуқларига ҳам кўргазмадан кенг ўрин берилган.

Фотокўргазманинг иккинчи қисми фашизм Германияси устидан қозонилган буюк ғалабанинг 35 йиллигига бағишланди. Ундаги суратлар томошабинларни Улуғ Ватан урушининг суронли йилларига бошлайди. Жангчи фотожурналистлар Г. Перменов, А. Ворфоломеев, И. Душкин ва бошқаларнинг объективига туширган кадрлар уруш йилларидан ҳикоя қилади.

Кўргазмани республика полиграфия, нашриётлар ва китоб савдоси ишлари Давлат комитетининг раиси, Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениеси раиси З. И. Есенбоев очди.

ДЕЛЕГАЦИЯ ЖЎНАБ КЕТДИ

СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат Ш. Р. Рашидов бошчилигидаги Совет давлат делегацияси Зимбабве мустақил деб эълон қилиниши муносабати билан ўтказиладиган тантаналарда қатнашиш учун 14 апрелда Москвадан Солсберига жўнаб кетди. Делегация составида СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Л. Ф. Ильичев, СССР ташқи ишлар министрлигининг бўлим мудири В. А. Устинов бор.

Делегацияни аэродромда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, РСФСР Министрлар Советининг Раиси М. С. Соломенцев, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари И. Г. Кэбин, СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. П. Георгадзе, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. С. Рижов, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ТАСС).

19 АПРЕЛЬ — КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК

ҚУРИЛИШ МАРШРУТЛАРИ БЎЙЛАБ

ТОШКЕНТ, Чирчиқ шаҳарлари ва Туркманистондаги қатор зарбдор қурилишлар коммунистик шанбалик куни Юмалоқ шағал-саралаш заводидан 2920 кубометр қум ва шағал олади. Бу, заводнинг оддий иш кунларидаги кўрсаткичидан 300 кубометр кўпдир.

Зиммага олинган юксак мажбуриятни шараф билан адо этиш учун шахта тайёргарлик ишлари олиб бориляпти. Шанбаликда барча механизмлар, экскаваторлар ва бульдозерларнинг унумли ва тўхтовсиз ишлаши таъминланади.

А. ПОРТНОЙ,
Чирчиқ.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ЧИГИТ ЭКИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 15 АПРЕЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун, — бир кунлик ўсиш, учинчи устун — мавсум бошидан бери.

Бекобод	—	100
Ғалаба	—	100
Коммунистик	—	100
Оққўрғон	4	100
Бўка	2	100
Чиноз	2	100
Пискент	8	96
Янгийўл	7	95
Ўрта Чирчиқ	12	93
Область бўйича:	4	98

ЛЕНИНЧА СОЦИАЛИЗМ



МОСКВА. В. И. Ленин. 1920 йил.
ТАСС фотохроникаси.

ЖАҲОНДА биринчи социалистик давлатни индустрлаштириш доҳий В. И. Ленин ишлаб чиққан социализм қуриш программасининг ажралмас таркибий қисмидир.

Чиндан ҳам, социалистик жамиятни барпо қилиш учун пролетар давлатининг шундай бир иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим эдики, бу сиёсат ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқини жипслаштиришга, пролетариат диктатурасини мустаҳкамлашга, мамлакат ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришга, эксплуататор синфларни бартараф этишга, қишлоқ хўжалигини социалистик негизда қайта қуришга йўналтирилган бўлсин.

ДОҲИЁНА ПРОГРАММА

Доҳиймиз ҳудди ана шундай улкан ва улуғвор планни чуқур илмий асосда ишлаб чиқди, уни амалга оширишнинг йўлларини кўрсатиб берди.

Совет ҳокимиятига самодержавие тузумидан деярли ҳеч қандай иқтисодий мерос қолмаганди. Чор Россияси Европадаги ривожланган социалистик давлатларга қараганда анча қолоқ моддий-техника базасига эга бўлиб, ҳам биринчи жаҳон уруши даврида рус ва чет эл империалистлари томонидан талон-тарож қилиниб, қарийб яроқсиз ҳолга келтирилган эди. Бундай аҳвол граждан уруши даврида ҳам давом этди. Масалан, 1920 йилда Россиядаги йирик саноат корхоналари 1913 йилдагига нисбатан қарийб етти баравар кам маҳсулот ишлаб чиқарди.

В. И. Ленин таълим бердики, социализм бунёд этишдаги асосий қийинчиликлар ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал этиш, янги иқтисодий муносабатларни вужудга келтириш билан чамбарчас боғлиқдир. Худди шу нарса пировард оқибатда Октябрь революцияси ва Совет ҳокимияти тақдирида ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Шу боисдан ҳам ишчи-деҳқон давлати тузилган дастлабки кунлардан бошлаб ўқ В. И. Ленин янги жамиятни иқтисодий жиҳатдан қайта қуришнинг туб вазифаларини илмий асосда аниқ-равшан белгилашга алоҳида эътибор берди, аввало оғир индустрияни бунёд этиш вазифасини социалистик қурилишнинг асосий вазифалари орасида биринчи даражали вазифа эканлигини кўрсатди. Чиндан ҳам, мамлакат ишлаб чиқариш ресурсларини мустаҳкамлаш, социалистик жамиятни яратиш учун бирдан-бир негиз, бу — йирик саноат ва фақат йирик саноат эканлигини исботлади.

В. И. Ленин кўрсатган эдики, оғир саноат ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш учун ҳам, мамлакат мудофаа қобилияти ва унинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш учун ҳам, қишлоқ хўжалигини социалистик негизда бунёд этиш вазифаларини ҳал қилиш учун ҳам жуда-жуда зарурдир.

Коммунистик партия доҳий кўрсатмаларига мувофиқ, биринчи галда оғир саноатни бунёд этиш масалаларига эътибор берди. 1920 йилда халқ хўжалигини ривожлантиришнинг биринчи перспектив плани — ГОЭЛРО планини ишлаб чиқиш учун махсус комиссия тузилди. Бу план йирик саноатни қайта қуриш ҳамда бутун халқ хўжалигини техникавий жиҳатдан қайта жиҳозлаш вазифаларини мамлакатни ёппасига электрлаштириш орқали амалга оширишни кўзда тутган эди. Коммунизм, деб кўрсатган эди В. И. Ленин, Совет ҳокимияти плюс бутун мамлакатни электрлаштиришдир, чунки электрлаштиришсиз саноатни юксалтириш асло мумкин эмас. Мамлакат электрлаштирилган, саноат, қишлоқ хўжалиги ва транспорт замонавий йирик саноатининг техникавий базасига эга бўлганидагина биз узилкесил галаба қозонамиз, деб таълим берди доҳий.

В. И. Ленининг социализм моддий-техника базасини вужудга келтириш тўғрисидаги чуқур илмий таълимоти партия съездлари, конференциялари, қарорларида янада ривожлантирилди. Партиямиз индустрлаштиришнинг социалистик методи, оғир саноатни ривожлантириш учун зарур бўлдиган жамғармаларнинг манбалари, индустрлаштириш суръатлари, оғир саноатнинг қишлоқ хўжалигини қайта қуришдаги роли каби туб масалаларни ҳар тарафлама ишлаб чиқди ва мамлакатни индустрлаштириш соҳасида олиб борилган барча ишларга раҳбарлик қилди.

Совет халқи партия раҳбарлигида биринчи беш йиллик давомидаёқ В. И. Ленин васиятларини амалга ошириб жаҳоншумул-тарихий муваффақиятларга эришди, қолоқ аграр мамлакат илғор индустриал давлатга айланди. 1932 йилда йирик саноатнинг бутун халқ хўжалиги ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришдаги салмоғи 1913 йилдаги 40,6 процентдан 70 процентга кўтарилди.

Мамлакатни индустрлаштириш жуда тез суръатлар билан амалга оширилди. Англия, Германия, Франция каби йирик давлатлар ўнлаб йиллар мобайнида босиб ўтилган йўлни мамлакатимиз атиги ўн йил ичида босиб ўтди. Оғир саноатнинг тракторсозлик, автомобилсозлик, самолётсозлик, химия саноати каби кўплаб янги соҳалари вужудга келди, шу давр мобайнида 11 мингдан зиёд янги йирик саноат корхоналари қурилиб, ишга туширилди.

СССРни индустрлаштириш вазифаларининг амалга оширилиши ишчилар синфининг, бутун халқнинг буюк жасорати бўлди. Улар барча тажриба ва кучларини, имкониятларини ишга солиб, ҳамма мушкулликларни сигиб ўтиб, мамлакатни қолоқликдан чиқаришга муваффақ бўлдилар.

Социалистик йирик саноатнинг барпо этилиши ленинча социализм қуриш планининг иккинчи звеноси бўлмиш вазифани, яъни майда товар ишлаб чиқаришни кооперациялаш негизида қишлоқ хўжалигини аста-секин қайта қуришни амалга ошириш учун моддий шарт-шароитни вужудга келтирди, жаҳонда энг илғор ижтимоий-сиёсий тузум билан чор Россиясидан мерос бўлиб қолган қолоқ моддий-техника базаси ўртасидаги қарама-қаршиликнинг тугатилишига олиб келди, шаҳар ва қишлоққа социалистик ишлаб чиқариш муносабатларининг ғалабасини таъминлади.

КАПИТАЛИЗМНИ ЧЕТЛАБ — СОЦИАЛИЗМГА

УЛУҒ Октябрь социалистик революцияси Россиянинг собиқ чекка мустамлака ўлкаларидаги ҳар қандай зулмга барҳам бериб, шу ўлкаларда яшаётган омманинг турмушини, ҳалқ хўжалигини иқтисодий жиҳатдан ҳам қайта қуриш учун зарур шарт-шароитларни яратиб берди.

Маълумки, мазкур ўлкаларда йирик саноат корхоналари деярли йўқ эди. Уларда феодал тузумидан капиталистик босқични сакраб ўтиб, бевосита социализм қуришга киришиш учун зарур ресурслар мавжуд эмас эди.

Ана шундай бир шароитда Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси В. И. Ленин Ўрта Осиёдаги қардош республикаларни иқтисодий жиҳатдан юксалтириш борасида катта ғамхўрлик қилди.

Жумладан, Ўзбекистонда қатор йирик корхоналар бунёд этилиб, уларга маҳаллий аҳоли орасидан кўплаб миллий кадрлар жалб этилди. Қардош халқлар ва аввало, рус халқининг жуда катта бебаҳо ёрдами туфайли қисқа бир муддатда республикамизда индустрлаштириш планини ҳаётга татбиқ этиш борасида дастлабки муваффақиятларга эришилди. Масалан, 1927—1928 йилларга келиб республикамизда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми урушдан аввалги даражадан анча ўзиб кетди.

Аммо, бу ўлкамизнинг иқтисодий-техникавий жиҳатдан қолоқлигини бартараф этиш соҳасидаги илк қадам эди, холос. Шундан кейинги йилларда индустрлаштириш сиёсатининг изчиллик билан амалга оширила борилиши туфайли йирик машиналашган ва техникалашган саноат соҳалари ва аввало, ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарадиган соҳалар вужудга келтирила бошланди. Бутун халқ хўжалигини техникавий жиҳатдан қайта қуроллантириш борасида жуда катта ишлар қилинди. Шу тариқа республикамизда ҳам бошқа қардош республикаларда бўлгани каби, янги техниканы жорий этиш асосида йирик саноат ўчоқлари вужудга келди, кўплаб миллий саноат кадрларини тайёрлаш вазифалари амалга ошди.

Маълумки, ўлкамиз қадимдан пахтачилик, деҳқончилик ўлкаси бўлиб келган. Шу боисдан ҳам республикада қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган завод ва фабрикалар, қишлоқ хўжалиги учун зарур машина ва асбоб-ускуналар етказиб берадиган корхоналар қурилишига катта аҳамият берилди. Биринчи беш йиллик йилларида «Ташсельмаш» заводининг ишга туширилиши қишлоқ хўжалигини замонавий техника негизида қайта қуришда муҳим роль ўйнади.

Айни вақтда ўлкамизда оғир, енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарини қуриш ишлари кенг кўламда олиб борилди. Дастлабки беш йилликлар даврида Чирчиқ электрохимия комбинати, Олмалиқ кон бойитиш комбинати, Чирчиқ ГЭСи, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи каби йирик саноат корхоналари фойдаланишга топширилди. Шу йиллари дастлабки пахта териш машиналари чиқарилди, Ангрен ҳавзасидан кўмир қазиб олина бошланди. Тошкент тўқимачилик комбинати маҳсулот берди.

Дастлабки беш йилликлар мобайнида ўлкамиз қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ишлари тез суръатлар билан олиб борилди, ёқилғи базаси вужудга келтирилди, қишлоқ хўжалиги хомашёсини дастлабки қайта ишлаш корхоналари кенгайтирилди.

...ПЛЮС ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ

РЕСПУБЛИКАМИЗ ишлаб чиқариш кучларини ана шундай беқиёс суръатлар билан ривожлантиришда халқ хўжалигини электрлаштириш тўғрисидаги ленинча ғоянинг изчил амалга оширилганлиги катта аҳамият касб этди.

Революцияга қадар, 1913 йилда ҳозирги Ўзбекистон территориясидаги барча электр станцияларининг қуввати атиги 3 минг киловатт эди. Жон бошига бир киловаттдан ҳам камроқ электр қуввати тўғри келарди.

1923 йилда ГОЭЛРО планининг тўнғич фарзандларидан бири бўлмиш Бўзсув электр станцияси қурила бошланиб, 1926 йил баҳорига йирик саноат корхоналари фойдаланишга топширилди.

Республикамизда халқ хўжалигини индустрлаштириш ленинча планининг амалга оширилиши, Коммунистик партия ва Совет давлатининг доно миллий сиёсати туфайли ўлкамизда замонавий саноат вужудга келтирилди. Халқ хўжалиги ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришидаги саноат салмоғи 1913 йилдаги 32 процентдан 1940 йилда 70 процентгача кўтарилди.

Буларнинг ҳаммаси осон бўлмади, албатта. Дастлабки даврлардаги билим ва тажрибанинг етишмаслиги, ёқилғи ва энергетика саноатининг деярли йўқлиги, транспорт тармоғи ривожланмаганлиги, техникавий жиҳатдан қуролланган машинасозлик корхоналарининг йўқлиги каби қийинчиликлар бартараф этилди. Ўзбекистон тарихан қисқа бир муддатда ривожланган индустриал республикага айланди.

Ана шуларнинг ҳаммаси республика электр энергетикасининг тез суръатлар билан ривожланишини таъминлаб, биринчидан, халқ хўжалигини ва аҳоли турар-жойларини янада кўпроқ энергия билан таъминлаш имконини берди, иккинчидан, арзон ёқилғи ва сув-энергетика — ресурсларидан фойдаланиш соҳасида кенг истиқбол очди. Ҳозирги вақтда республикадаги барча саноат ишлаб чиқариш асосий фондларининг бешдан бир қисмидан кўпроғи электр энергетикасида марказлашган.

Ўз навбатида Ўзбекистон энергетикасининг ана шундай юксак суръатлар билан ривожланиши энергияни кўп истеъмол қиладиган рангли металлургия, химия саноати, қурилиш материаллари саноати каби соҳаларнинг ҳам кенг миқёсда тараққий этишини таъминлади, қишлоқ хўжалигида электрдан фойдаланиш суръатларини янада оширди. Шундай бўлиши ҳам керак эди. Негаки, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда машина-механизмлардан кенг фойдаланилаётганлиги, техника ёрдамида суғориш миқёслари тобора ошиб бораётганлиги, ишлаб чиқариш жараёнлари механизациялаштирилаётганлиги, техника ёрдамида суғориш миқёслари тобора ошиб бораётганлиги, ишлаб чиқариш жараёнлари механизациялаштирилаётганлиги, қишлоқ меҳнаткашларининг турмуши фаровонлашаётганлиги бевосита энергетикамизнинг ривожига боғлиқдир.


Кейинги беш йилликлар мобайнида республикамизда газ ишлаб чиқариш тобора ошиб бораётганлиги ёқилғи-энергетика балансини яхшилашда жуда қўл келди. Қатор саноат соҳалари, биринчи навбатда электр энергетикаси газнинг асосий истеъмолчиларидан бири бўлиб қолди. Ҳозирги вақтда Тошкент, Навоий, Тахиатош, Сирдарё каби электростанциялар табиий газ билан ишламоқда.

* * *

ШУНДАЙ қилиб, эндиликда Совет Ўзбекистони халқ хўжалигини электрлаштириш ва индустрлаштириш тўғрисидаги ленинча ғояларнинг амалга оширилганлиги, Коммунистик партиянинг доно миллий сиёсати туфайли Шарқда энг йирик индустрия марказига айланди.

Эндиликда республиканинг индустриал комплекси юздан ортиқ соҳани қамраб олган. 1500 дан ортиқ корхона ўн минглаб номда маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Республикамиз пахта териш, кўрак чувиш машиналари, чигит экувчи трактор сеялкалари, пахта, тозалаш асбоб-ускуналари, силлиқлаш машиналари, пахта толаси, пахта ҳом ашёси, пилла, канop, қорақўл каби энг муҳим маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳасида СССРда биринчи, ип йигириш машиналари ишлаб чиқариш бўйича-иккинчи, табиий газ олиш, кўприк кранлари, ипак-газлама, ўсимлик мойи тайёрлаш жиҳатдан эса учинчи ўринда бормоқда. Бир вақтлар ҳатто михни ҳам четдан келтирган ўлкамизда тракторлар ва трактор прицеплари, компрессорлар, насослар, кўприк кранлари, дизеллар, экскаваторлар, кабель, минерал ўғитлар ва бошқа кўплаб маҳсулотлар тайёрланиб, қардош республикаларга, ўнлаб чет эл мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

ИНДУСТРЛАШТИРИШ



КОММУНИСТИК партия раҳбарлигида бутун мамлакатимиз жумладан, Совет Ўзбекистони меҳнаткашлари, социалистик революциянинг энг асосий ва энг мураккаб вазифасини — бунёдкорлик вазифасини муваффақиятли равишда амалга оширдилар. Жамият ҳаётининг барча асосий жабҳаларини қамраб олган ленинча социализм қуриш плани тўла-тўкис амалга оширилди. Социалистик индустрлаштириш ва қишлоқ хўжалигини кооперациялаш, маданий революция амалга оширилиши, миллий масала адолатли ҳал этилиши жуда қисқа бир тарихий давр мобайнида ўлкамизни қудратли социалистик давлатга айлантирди.

Буларнинг ҳаммаси СССРда етук, ривожланган социализм қуриш имконини берди. Жаҳонда энг илғор бу жамиятнинг бунёд этилганлиги Ленин ғояларининг амалдаги мужассамидир.

МАДАНИЙ РЕВОЛЮЦИЯ

ЗУЛМАТ ВА НУР

АСРИМИЗНИНГ буюк мутафаккири, Коммунистик партия ва Совет давлати асосчиси В. И. Ленин тарихда биринчи социалистик жамият қуриш планини ишлаб чиқди. Мамлакатни индустрлаштириш, қишлоқ хўжалигини социалистик асосда коллективлаштириш, маданий революция — бугун социалистик жамият қуриш ҳақидаги ленинча планнинг асосий звеноларидир.

Социализм қуриш, унинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий асосларини яратиш ва мустаҳкамлаш учун маданий революцияни амалга ошириш зарур эди. Маданий революция-сиёсий революциянинг қонуниятли давоми, социалистик жамият қуришнинг энг муҳим, зарур таркибий қисмидир.

КПСС Марказий Комитетининг «Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги тўғрисида»ги қарорида айтилганидек, «Совет халқи Ленин кўрсатган йўлдан бориб, Коммунистик партия раҳбарлигида мамлакатни социалистик негизда индустрлаштирди, қишлоқ хўжалигини коллективлаштирди, маданий революцияни амалга оширди, бутун дунёга миллий масалани одилона ҳал этиш намунасини кўрсатди».

Ўзбек халқи ана шулар самараси ва ленинча маданий революция натижасида юксак замонавий фан ва маданиятга, ўзининг ажойиб илмий кадрларига эга бўлди, жаҳолат ва диний хурофотдан маърифатга сакраш қилди.

МАДАНИЙ революция ҳақидаги, ленинча назарий ўтмишда кам тараққий этган миллий чекка ўлкалардаги халқларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-сиёсий қолоқлиги ва тенгсизлигини тугатишда катта ўрин тутади.

Маълумки, ўзбек халқи ўтмишда оғир синфий ва миллий зулм остида эзилиб келди. Сиёсий ҳокимиятни, халқ оммасининг меҳнати натижасида юзага келган барча бойликларни ўз қўлида тўплаб олган феодал ва ярим феодаллар руҳонийлар билан биргаликда ўлкада ижтимоий ишлаб чиқаришнинг, маънавий маданиятнинг юксалишига тиш-тирноқлари билан қаршилик кўрсатиб келдилар.

Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олиниши ўзининг туб моҳияти жиҳатидан мустамлакачиликдан иборат ҳаракат бўлган бўлса ҳам, маълум прогрессив оқибатларга олиб келди, ўзбек халқининг илғор революцион традицияларга бой бўлган рус халқи, биринчи навбатда, саноат пролетариати билан яқиндан алоқа боғлаш имкониятига эга бўлишида ўз ифодасини топди. Рус чоризми бўлса Ўрта Осиёни ўз мустамлакасига айлантирган биринчи кунларданоқ мавжуд қолоқ ижтимоий-иқтисодий муносабатларни, меҳнаткаш омманинг билимсизлик ҳолатини ўзгартирмай сақлаб қолишга, ҳатто олдингидан яна ҳам чуқурлаштиришга онгли равишда интилиб келди. Меҳнаткаш омма қашшоқлик жаҳолат ва диний хурофот ботқоғига ботса, саводсиз бўлиб қолса уни эксплуатация қилиш шунчалик осон бўлишини маҳаллий феодаллар ҳам, рус капиталистлари ҳам жуда яхши билар эдилар. «Эзувчилар ҳукмронлигининг «сирлари»дан бири ҳар доим шундан иборат бўлиб келдики, — деди Л. И. Брежнев «Улуғ Октябрь ва инсоният тараққиёти» номли асарида, — улар оммани бевосита жисмоний эзиш билан бирга маънавий жиҳатдан ҳам эзиб турдилар. Ҳукмрон синфлар меҳнаткашларнинг маърифат ва маданиятдан баҳраманд бўлиш йўлига ҳилма-хил тов солиб келдилар, уларни ёлғон ғоялар ва тасаввурлар асоратида сақлаб турдилар».

Чоризм меҳнаткашларни маънавий қолоқлик ҳолатида сақлаб туриш учун маҳаллий эксплуататорлар билан бир ёқадан бош чиқариб иш кўрди, илм-фан ўрнига диний ақидаларни пропаганда қилди. Октябрь революцияси арафасида биргина Чиноз қишлоғида учта диний мактаб, 2 мадраса ва қорихона бўлган.

Маориф ва соғлиқни сақлаш ишлари ҳам оғир аҳволда бўлиб, Туркистонда ана шу мақсадлар учун аҳоли жон бошига йилига ўрта ҳисобда 14 тийин ажратилган, холос.

Оддий меҳнаткаш фарзандлари чоризм томонидан ташкил этилган гимназиялар, рус-тузем мактабларида ўқиш имкониятига эга бўлган эмас. 1898 йили Тошкент шаҳридаги гимназияларда маҳаллий миллат вакилларидан фақат 18 киши ўқиган, Булар ҳам асосан шаклланиб келаётган маҳаллий буржуазиянинг болалари эди. Генерал-губернатор Бродовский 1870 йилда Туркистондаги таълим-тарбиянинг мақсадлари устида тўхтаб, «ўлкадаги таълим-тарбия ишларининг асосий йўли уни рус манфаатларига мослаштириш йўлидан бориши керак», — деган эди.

Бир вақтлар жаҳонга Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Кошғарий, Ал Хоразмий, Руданий, Улуғбек, Алишер Навоий, Али Қушчи, Заҳириддин Бобир, Муқимий, Фурқат сингари буюк генийларни, йирик маърифатчиларни етиштириб берган Ўрта Осиё халқлари революция арафасида рус чоризмининг, маҳаллий эксплуататорларнинг юргизган ярамас сиёсати натижасида дунёнинг қолоқ халқларидан бирига айланиб қолган эдилар. Ўлкада ўқиш ва ёзишни биладиганлар бутун аҳолининг атиги 2—3 процентини ташкил этар эди, деҳқонлар орасидаги саводхонлар бундан ҳам оз эди. Шарқ аёлларининг қисмати айниқса оғир бўлган. Аёллар илм-фандан, маърифат ва маданиятдан, ижтимоий ҳаётдан бутунлай ажратиб қўйилганди.

Собиқ Туркистон генерал-губернатори Н. А. Куропаткин ўзининг кундалик дафтарида чоризм замонида ерли миллат аҳолисига нисбатан мустамлакачилик сиёсати ўтказилганлигини тан олиб, «биз 50 йил мобайнида маҳаллий халқни тараққиётдан, мактабдан ва рус ҳаётидан четлатиб турдик», деб ёзган эди.

АБЖАДДАН — ИЛМ-МАЪРИФАТГА

МАМЛАКАТИМИЗДА пролетариат диктатураси ўрнатилган дастлабки кунлардан бошлаб, В. И. Ленин бошчилигидаги Коммунистик партия ўтмишда қолоқ бўлган халқларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-сиёсий қолоқлигининг ҳар қандай кўринишдаги формаларини бутунлай тугатиш ва уларнинг илғор миллат ва халқларга етиб олишлари учун бутун чораларни кўришга алоҳида эътибор берди.

Ўзбекистонда маданий революция жуда ҳам оғир бир шароитда амалга оширилди. Бу мураккаб шароитлар, даставвал, меҳнаткаш омманинг бутунлай саводсизлиги, фан ва маданият марказларининг йўқлиги, диний идеологиянинг миллионларча деҳқонлар ва ҳунармандлар онгига чуқур томир отганлиги, партиянинг миллий ва синфий сиёсатини изчиллик билан амалга ошира оладиган маҳаллий кадрлар етишмаслиги, деҳқонлар оммаси синфий савиясининг пастлиги, руҳоний ва шайхларнинг оммага бўлган реакцион таъсирининг бутунлай тугатиб юборилмаганлиги мактаб биноларн, ўқув қуролларининг танқислиги, моддий маблағларнинг озлиги ва бошқа соҳаларда яққол кўринар эди.

Аҳолининг ёппасига саводсизлигини батамом тугатмасдан туриб, социализм қуриб бўлмас эди. В. И. Ленин, саводсизликни социализмнинг иккинчи душмани, деб таърифлаган ва бу ҳақда «...Мамлакатимизда саводсизлик каби ҳол давом этар экан, сиёсий маориф ҳақида гапириш жуда қийин бўлади... Саводсиз киши сиёсатдан четда туради, унга аввало алифбени ўргатмоқ, керак. Бусиз сиёсат бўлиши мумкин эмас, бусиз фақат миш-миш гаплар ғийбат, чўпчаклар, хурофий гапларгина бўлиши мумкин, лекин сиёсат бўлмайди», — деб ёзган.




ЛЕНИНЧА маданий революция амалга оширилиши туфайли республикамиз замонавий илм-фан, маданият ва маърифат ўлкасига айланди. Ҳозирги вақтда биргина областимизда ўтган йили 700 мингдан ортиқ киши умумий таълим мактабларида ўқиди. Ўрта ҳунар техника билим юртларида 33 минг, ўрта махсус ўқув юртларида 73 минг, олий ўқув юртларида эса 179 минг киши таълим олди. Суратда: Тошкент шаҳридаги 1-мактаб интернатида ташкил этилган В. И. Ленин музейида.
Р. Албеков фотоси.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати маданий революцияни амалга оширишга, биринчи навбатда саводсизлик ва чаласаводсизликни бутунлай тугатишга киришди. В. И. Ленин кўрсатмасига асосланиб, 1920 йил 17 сентябрда Туркистон республикаси Халқ Комиссарлари Советининг

ҚУРИШ ПЛАНИ АМАЛДА

В. И. ЛЕНИН К. Маркс билан Ф. Энгельснинг назарий меросини, шу жумладан, аграр деҳқонлар масаласига оид таълимотини янги тарихий шароитга тадбиқан ривожлантирди ва бойитди. В. И. Ленин ўз асарларида майда деҳқон хўжаликларини йирик коллектив хўжаликларга бирлаштириш объектив иқтисодий зарурат эканини асослади ва қишлоқни социалистик тарзда тубдан қайта қуришнинг конкрет йўллари, методлари ҳамда формаларини кўрсатиб берди.



БУЮК БАШОРАТ

В. И. Ленин ерни национализация қилишни большевиклар партияси аграр программасининг биринчи қадам, деб билиб, шундан кейин аграр туб ўзгартиришларнинг иккинчи босқичи — ишлаб чиқариш воситаларини умумлаштириш, ер, меҳнат қуроллари ва меҳнатнинг ўзини бирлаштириш босқичи бошланиши керак, деб ҳисоблади, деҳқонларни кооперация орқали социализмга ўтказишнинг бирдан-бир тўғри йўлини кўрсатди. Айни вақтда у бу мураккаб ва масъулиятли ишда шошмашошарликка йўл қўймаслик керак деб огоҳлантирди. «Майда якка деҳқон хўжалигидан ерни биргалашиб ишлашга ўтиш каби бундай ғоят катта тўнтаришлар,— деди В. И. Ленин,— ўн миллионларча кишиларнинг ҳаётида юз берадиган ҳаёт ва турмушнинг жуда чуқур негизларига таалдуқли бўлган бундай ғоят катта тўнтаришлар,— фақат узоқ вақт меҳнат қилиш орқасидагина вужудга келиши мумкин эканлигини биз жуда яхши биламиз».

Ленининг кооператив плани бутун мамлакат, шу жумладан Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини социалистик тарзда қайта қуришнинг асоси бўлди. В. И. Ленин Совет Шарқининг ўзига хос шароитларида қишлоқ хўжалигини социалистик қайта қуришга ёндашишнинг стратегик ва тактик йўл-йўриқларини ишлаб чиқди.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида республикада ўтказилган социал-иқтисодий туб ўзгартишлар капиталистик муносабатларнинг негизларини кўпориб ташлади ва қишлоқ хўжалигида социалистик уклади мустаҳкамлади, феодализмдан капиталистик ривожланиш босқичини четлаб, социализмга ўтиш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтирди.

1925—1929 йиллардаги ер-сув ислоҳоти феодал, помешчик хўжаликларини тугатди ва қулоқлардаги ортиқча ерларни тортиб олди. Ер олган меҳнаткаш хўжаликларга иш ҳайвони, аннжомлар, уруғлик ва пул ссудалари берилди. Ислоҳотни амалга ошириш натижасида қишлоқнинг социал структураси ўзгарди: ер қайта тақсимланиши ҳисобига чоракор ва батраклар жуда камайди, бой қулоқлар салмоғи анча озайди. Ўрта ҳол деҳқон қишлоқдаги марказий фигура бўлиб қолди.

Қишлоқдаги ишлаб чиқариш ширкатлари қишлоқ хўжалик кооперациясининг асосий звеноси бўлди. 1929 йилда Ўзбекистонда 1888 та пахтачилик, 442 та ғаллачилик, 263 та палламчилик, 250 та чорвачилик, 205 та мева-узумчилик ширкатлари ишлар эди. Бироқ, кооперацийнинг энг оддий формаларидан бирмунча мураккаб формаларига, социалистик типдаги ишлаб чиқариш кооперативларига ўтиш лозим эди.

ВКП(б)нинг 1927 йил декабрда бўлиб ўтган XV съезди коллективлаштириш йўлини бошлади. Кўпчилик аҳолиси деҳқонлардан иборат бўлган Ўзбекистонда коллективлаштириш оммани социализмга жалб қилишнинг муҳим омили бўлди, бу уларга капиталистик ривожланиш йўлини четлаб ўтишга имкон берди. Ленинча кооператив планнинг ўрта Осиё халқлари учун алоҳида аҳамияти ҳам ана шунда.

Ўзбекистонда коллективлаштириш учун моддий-техникавий ва сиёсий шароитларни яратишга рус ишчилар синфи ёрдам берди. 1925—1930 йилларда мамлакатнинг марказий районларидан 171 минггандан ортиқ плуг ва чигит экадиган сеялка, бошқа қишлоқ хўжалик қуроллари олинди. Партия қишлоқ хўжалик техникасидан фойдаланишнинг ўша вақт учун энг қулай формасини топди, бу форма машина-трактор станцияларн эди. Булар қишлоқда чинакам социализм масканлари бўлиб, ишчилар синфининг деҳқонларга бевосита ташкилий ва ишлаб чиқариш техникавий ёрдамини таъминлади. Ўзбекистонда дастлабки машина-трактор станциялари 1929 йил кузида ташкил этилди. 1932 йилдаёқ уларнинг сони 67 тага, улар ихтиёридаги тракторлар 3 мингтага етди ва 248 та колхозга хизмат қилди.

Партиянинг қарорига биноан 25 минг ишчи колхоз ҳаракатининг ташкилотчи ва раҳбарлари сифатида қишлоққа юборилди. 25 мингчилардан 433 киши мамлакатнинг саноат марказларидан Ўзбекистонга келиб, қишлоқда партия йўлини садоқат билан ўтказди. РСФСР марказий районлари ишчиларининг Ўзбекистон айрим районларини оталиққа олиши кенг ривож топди. Масалан, Москва тўқимачилари Тошкент округига, Ленинград ишчилари Хоразмга, Иваново Вознесенск тўқимачилари Фарғонага оталиқ қилдилар. Улар техника сотиб олиш учун маблағ ажратиб бердилар, техника ремонтида ёрдамлашдилар, аҳолининг саводини чиқаришда қатнашдилар.

1929 йил охирларида Ўзбекистоннинг камбағал ва ўрта ҳол деҳқонлари оммавий коллективлаштириш йўлига кирдилар. Партия уларнинг талабларига жавобан қулоқларни чеклаш ва ситиб чиқариш сиёсатидан уларни синф сифатида тугатиш сиёсатига ўтди. 1933 йилда Ўзбекистондаги деҳқон хўжаликларининг тўртдан уч қисмидан кўпроғи колхозларга бирлашди.

Ўзбек қишлоқларини социалистик тарзда қайта қуриш иккинчи беш йиллик давомида ниҳоясига етказилди. Колхоз тузумининг ғалабаси натижасида қишлоқнинг социал структурасида туб ўзгаришлар содир бўлди. Эксплуататор синфлар — феодаллар, бойлар, қулоқлар тугатилди. Батраклар, камбағал ва ўрта ҳол деҳқонлар колхозчи деҳқонларга, МТС ва совхоз ишчиларига, қишлоқ зиёлиларига айландилар.

Коллективлаштириш қишлоқдаги ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришга кенг йўл очди, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини илгари орзу қилиб бўлмайдиган даражага кўтарди.

Урушдан кейинги йилларда, мамлакат ишлаб чиқарувчи кучлари анча ошган ва колхозлар янги техника билан қуроллантирилган шароитда, майда хўжаликлар қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш йўлида жиддий гов бўлиб қолди, чунки улар ҳозирги замон техникасидан, сув ресурсларидан самарали фойдаланишга, янги посёлкалар ирригация иншоотлари ва бошқа иншоотлар қуришга имкон бермас эди. ВКП(б) Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг колхозларни йириклаштириш тўғрисида 1950 йил баҳорида қабул қилган қарори колхоз тузумини мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга бўлди.

Партиянинг МТСларни қайта ташкил қилиш ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш тартиби ва шароитларини ўзгартириш соҳасидаги кўрган тадбирлари (1958 йил июль Пленуми асосида) ишчилар синфининг деҳқонлар билан иттифоқини янада мустаҳкамлашда, колхоз ишлаб чиқаришини ва умуман халқ хўжалигини ривожлантириш учун шарт-шароит яратиб берди.

Бироқ, бутун мамлакатда бўлгани каби, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ҳам бир қанча сабабларга кўра социалистик саноатнинг ва халқ хўжалиги бошқа тармоқларининг гуркираб ривожланишидан орқада қолаётган, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига ва саноатнинг хом ашёга бўлган ва тобора ошиб бораётган эҳтиёжларини қондирмаётган эди.

ЗАМОНАВИЙ ДЕҲҚОНЧИЛИК ЎЛКАСИ

КПСС Марказий Комитети 1965 йил март Пленуми мамлакатимиз меҳнаткашларини қишлоқ хўжалигини юксалтиришнинг чинакам илмий программаси билан қуроллантирди, ҳозирги ленинча аграр программа асосларини ишлаб чиқди. «Ишлаб чиқаришни ўстиришни рағбатлантирадиган иқтисодий шарт-шароитларни вужудга келтириш, шу жумладан тайёрлашнинг янги тартибини ўрнатиш, ажратиб бериладиган капитал маблағларни қескин кўпайтириш, қишлоқ хўжалигини механизациялаш, химиялаш ва ерларни мелиорациялаш юзасидан узоқ вақтга мўлжалланган комплекс программани амалга ошириш, қишлоқ хўжалик фанини ривожлантириш, ташкил этиш ва бошқариш формаларини такомиллаштириш» бу сиёсатнинг энг муҳим вазифалари бўлиб қолди (Л. И. Брежнев).

Март Пленуми колхоз ва совхозларнинг моддий-техника базасини ҳам сифат жиҳатдан зўр силкиш рўй берди. Республика қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига сарфланадиган капитал маблағ ҳажмининг мунтазам ошиб бориши таъминланди. Ўтган беш йилликда бу соҳага 2,7 миллиард сўм, саккизинчи беш йилликда 4,8 миллиард сўм, тўққизинчи беш йилликда 8 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ сарфланган бўлса, ўнинчи беш йилликнинг тўрт йилида 8,5 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди. 1980 йилда республика қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришга ишларнинг бутун комплекси бўйича 1 миллиард 900 миллион сўм ажратилади.

Ўзбекистонда ерларни химиялаш ва мелиорациялаш қишлоқ хўжалигини электрлаштириш жаҳон практикасида мисли кўрилмаган миқёсда ривожланиб бормоқда. 1968—1978 йилларда салкам 1,8 миллион гектар янги суғориладиган ер қишлоқ хўжалик оборотига киритилади, 2,5 миллион гектар ернинг сув таъминоти оширилди ва суғориш системалари реконструкция қилинди, 1,5 миллион гектар суғориладиган ернинг мелиорация ҳолатини яхшилаш ва 1 миллион гектар ерни текислаш тадбирлари ўтказилди. Областда эса беш йилликнинг ўтган йилларида 12 минг гектардан ортиқ янги суғориладиган ерлар ўзлаштирилди. Сув хўжалиги ва мелиорация, қишлоқ хўжалик машинасозлиги, емхашак етиштириш ва минерал ўғит саноати сингари йирик тармоқлар аслида қайтадан ташкил этилди. Бу эса қишлоқ хўжалигини, айниқса пахтачиликни юксалтиришда социалистик индустриянинг ролини тағин ҳам кўпроқ оширди.

Ўртоқ Ш. Р. Рашидов республика Компартияси Марказий Комитети X пленумида (1978 йил, июль) бундай деб уқтирди: «Ҳозирги вақтда пахтачиликни механизациялашда янги босқич бошланди. Бу босқич ғоят бақувват МТЗ—80Х тракторини ишлатиш билан боғланган... Конвейерга қўйиладиган пахта териш машиналари тўкилиб қолган пахтани қўлда теришга эҳтиёж қолдирмайди ва ҳосилни яруслаб териб олишни таъминлайди. Ингичка толали навларни терадиган машиналар, машинада териб олинган пахтани қоп-қанорсиз ташувчи трактор поездлари ва бошқа замонавий техника кўплаб ишлаб чиқарила бошланди».

Ўнинчи беш йилликнинг уч йили ичидагина республикада қишлоқ хўжалик машиналарининг 20 та янги типи яратилди.

Ўзбекистон ССРнинг асосий пахта базаси бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва шундай бўлиб қолади. Ҳозир у бутун Иттифоқда етиштирилаётган пахтанинг ўндан икки қисмини бериб турибди. Кейинги 15 йил мобайнида ялпи пахта ҳосили биргина Тошкент областида 119 минг тоннадан зиёд кўпайди. Бунга, аввало, суғориладиган ернинг ҳосилдорлигини ошириш туфайли эришилди: пахта ҳосилдорлиги 1965 йилдаги 24,2 центнердан 1979 йилда 34,6 центнерга етди. Ўнинчи беш йилликнинг тўрт йили мобайнида область пахтакорлари Ватанга 1 миллион 784 минг тонна пахта берди. Бултур 472 минг тонналик рекорд «оқ олтин» ҳосили олинди, унинг 81 процентидан зиёди машинада терилди. Сўнгги тўрт йил ичида давлатга пландагидан ташқари 132,5 минг тонна пахта топширди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1979 йил июнида бўлиб ўтган XIII пленуми 1980 йилда пахтани машинада териш даражасини 75—80 процентга етказиш вазифасини ўртага қўйди.

Область қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари ўнинчи беш йилликда чорвачилик тармоқларини ривожлантиришда ҳам катта натижаларга эришмоқдалар. Беш йилликнинг 4 йили ичида гўшт ишлаб чиқариш ҳажми тўққизинчи беш йилликка нисбатан 42 процент, сут 44, тухум 83 процент кўпайди.

ЁРҚИН ИСТИҚБОЛ

Қишлоқдаги ишлаб чиқарувчи кучларнинг гуркираб ривожланиши қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этишга принципиал янгича ёндашишни, чунончи, уни янада чуқурроқ ихтисослаштиришни, фан-техника тараққиёти ютуқларидан кенг фойдаланиш мақсадида хўжаликларнинг куч-ғайратларини бирлаштиришни объектив равишда талаб қилди. КПСС Марказий Комитетининг шу масала юзасидан қабул қилган қарорида (1976 йил, май) уқтириб ўтилганидек, кенг миқёсда кооперациялаш негизида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва кооперациялаш — социалистик қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг бош йўлидир, Ленин кооператив плани ғояларини ривожланган социализм шароитида амалий равишда рўёбга чиқаришнинг янги босқичидир.

Областда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва концентрациялаш кенг жабҳа бўйлаб олиб борилмоқда. Фақат кейинги тўрт йил ичида 20 та сутчилик, паррандачилик ва чорвачилик комплекслари, 35 гектар доимий ва плёнкали теплицалар фойдаланишга топширилди.

Ҳозир область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши тармоқларида юздан ортиқ касб ва ихтисос соҳиблари меҳнат қилмоқдалар, механизаторлар эса 21,4 минг кишидан ошиб, 1965 йилдагига, нисбатан 2,5 баравар кўпайди. 1965 йилдан буён қишлоқ хўжалигида ишловчи барча ходимлар орасида олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар салмоғи уч баравардан зиёд ортди.

Партиянинг қишлоқдаги ҳозирги сиёсати марксизм-ленинизм аграр назариясининг, ленинча кооператив планининг янги тарихий шароитлардаги ижодий ривожидир. Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленумида уқтирганидек, «...XX аср тарихи совет деҳқонларининг қаҳрамонона йўли, шунингдек бошқа социалистик мамлакатлар деҳқонларининг йўли деҳқонлар маса ласини тўғри ва адолатли ҳал этиш учун бирдан-бир тўғри йўл—қишлоқда социализм қуриш йўли борлигини, бирдан-бир ҳақиқий фан-аграр деҳқонлар масаласи хусусидаги марксча-ленинча таълимот борлигини яққол исбот этди.

КПССнинг қишлоқ меҳнатчилари моддий аҳволини муттасил яхшилаш тўғрисидаги принципиал йўл-йўриқлари партиянинг қишлоқни социал ривожлантириш тўғрисидаги зўр ғамхўрлигидан далолат беради. Партиянинг социал соҳада белгиланган тадбирлари колхозларда меҳнат кунидан меҳнатга пул билан гарантияланган ҳақ тўлашга ўтилишида, совхоз ишчиларининг иш ҳақи оширилишида, колхозчилар учун пенсия таъминоти жорий этилишида ўзининг конкрет ифодасини топди. Областда 1965—1978 йилларда колхозларнинг бўлинмас фондлари 230,0 миллион сўмдан 539,5 миллион сўмга ортди, совхоз ишчиларининг меҳнат ҳақи 1,4 баравар, колхозчиларнинг меҳнат ҳақи 1,6 баравар кўпайди. 1979 йилда қишлоқ хўжалиги ходимларининг пул билан оладиган ўртача ойлик иш ҳақи 140 сўмга етди.

«Партиянинг, Совет давлатининг социал сиёсати,— деб таъкидлайди ўртоқ Л. И. Брежнев,— ҳозирги замон техникаси ва фани негизида деҳқон меҳнати билан ишчи меҳнати характерини бир-бирига тобора яқинлаштиришдан, қишлоқ ҳаётини ободонлаштиришдан, қишлоқнинг турмуш маданиятини оширишдан иборат. Ана шуларнинг ҳаммаси шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги, ишчилар синфи билан деҳқонлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий, маданий-маиший тафовутларни аста-секин йўқотишга амалий равишда олиб боради».

КООПЕРАТИВЛАШТИРИШ

саводсизликни тугатиш ҳақидаги Декрети чиқарилди. Декретда саводсизликка қарши кураш, меҳнаткашларни тўла саводхон қилиш давлат аҳамиятига эга бўлган катта сиёсий иш, деб қаралди. Республиканинг барча шаҳар ва қишлоқларида, аҳоли пунктларида саводсизликка қарши кураш мақсадида қизил бурчаклар, сайёр мактаблар, кўчма кутубхона ва агитпоездлар ташкил этилди. «Саводхон, саводсизни ўқит!», «Ҳамма маданий фронтга!», «Нодонликка қарши ўт очайлик!», «Бироннта ҳам саводсиз киши қолмасин!» деган шиор майдонга ташланди. Саводсизликка қарши кураш мақсадида шаҳарлар, районлар, қишлоқ ва овулларда умумий йиғилишлар ўтказилди. 1921 йил 5 декабрда Тошкентдаги собиқ эски шаҳарда. Шайхонтовур, Бешёғоч даҳаларида митинглар бўлиб ўтди.

Ўзбекистонда саводсизликни тугатиш мактаблари тобора кўпайиб, уларда савод чиқарувчилар сони ортиб борди. 1920 йилда Туркистон ўлкасида 2000 киши савод чиқариш мактабларига жалб этилган эди. 1927 йил февраль ойида эса Ўзбекистонда 1295 савод чиқариш мактаби бўлиб, уларга 35968 киши тортилди. Саводсизликни тугатиш мактабларини биринчи беш йиллик мобайнида 1 миллион 898 минг киши, шу жумладан, 808 минг хотин-қиз тамомлаб чиқди. Бу — маданий революция соҳасида эришилган дастлабки катта ғалаба эди.

Шундай қилиб, халқ маорифининг гуркираб ўсганлиги ҳамда саводсизликни тугатиш тадбирлари амалга оширилганлиги натижасида Ўзбекистонда урушдан илгариги даврдаёқ саводсизлик асосан тугатилди. Саводсизликнинг тугатилганлиги Ленинча маданий революция тантанасининг ажойиб натижаларидан биридир.

ШАРҚДА МАШЪАЛ

СОЦИАЛИЗМ меҳнаткашларни маънавий маданият бойликларидан баҳраманд қилди. Совет кишилари бепул ўқиш, ўрта ва олий маълумот олиш ҳуқуқига эгадирлар. СССР Конституциясида совет гражданларининг илм олиш ҳуқуқи қонун йўли билан мустаҳкамланиб қўйилган. Ҳозирги вақтда республикамиздаги 7423 та мактабда 3 миллион 697 минг 700 йигит ва қиз ўқимоқда. Республикада умумий ўрта таълимга ўтиш масаласи амалий равишда тугалланди.

Ленин, миллий чекка ўлка халқларининг тарихан шаклланган иқтисодий, сиёсий, маданий қолоқлигини бартараф этишда илғор мамлакатларнинг меҳнаткашларидан уларга бегараз ёрдам беришлари зарур, деб таъкидлаган эди. Ўзбек халқи ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш, фан, техника, адабиёт, санъат ва маданиятни тараққий эттиришда барча қардош халқларнинг, биринчи навбатда, рус ишчилар синфи ва интеллигенциясининг бегараз, дўстона ёрдамига таянди. Мамлакатимиздаги барча қардош халқлар ва миллатлар Ўзбекистон халқ хўжалигини тиклаш, ерли аҳолидан малакали мутахассислар етказиб беришда бевосита иштирок этдилар. Ватанимиз учун оғир бўлган 1920 йилда Ленин декрети билан ташкил этилган Туркистон Давлат университетига доимий равишда ишлаш учун Москва ва Ленинграддан рус олимлари катта бир группасининг — 100 профессор, 90 доцент ва ассистентнинг келиши, 20 минг том китобли кутубхона, лабораториялар учун асбоб-ускуналар берилиши оддий бир мисол эмас, балки тенгсиз жасоратдир.

Ўзбекистоннинг маданий қурилиш соҳасидаги муваффақиятлари бутун дунёга маълум... Революциядан аввал Туркистон ўлкаси территориясида бирорта ҳам олий ўқув юрти бўлмаган бўлса, ҳозир Ўзбекистоннинг ўзида 43 та олий ўқув юрти, 206 та ўрта махсус ўқув юрти бўлиб, уларда мактабларни ҳам қўшганда 5 миллионга яқин студент ва ўқувчи таълим олмоқда. Ўзбекистон ССРдаги ҳар 10 минг кишига олий ўқув юртларида 176 студент тўғри келади, ҳолбуки бу кўрсаткич Буюк Британияда 88, Италияда 128, Туркияда 49, ГФРда 88, Францияда 149, Японияда 142 кишини ташкил этади.

Ленинча маданий революциянинг амалга ошиши натижасида республикамизда илм-фан тез суръатлар билан ривожланди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси мамлакатнинг энг катта илмий марказларидан бири ҳисобланади. 32 мингга яқин илмий-педагог ходимлар илм-фан соҳасида меҳнат қилмоқда. Улар орасида 830 фан доктори ва 11,5 мингдан кўпроқ фан кандидати, шу жумладан, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг 42 академиги ва 52 мухбир аъзоси, СССР Фанлар академиясининг ва Бутуниттифоқ тармоқ академияларининг 21 ҳақиқий аъзоси ва мухбир аъзоси, 500 профессор бор. Илмий ходимларининг 11,5 мингдан кўпроги хотин-қизлардир. «Ҳозир Ўзбекистон ССРнинг бир ўзида ишлаб турган олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар, — деб кўрсатди Л. И. Брежнев «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг эллик йиллиги тўғрисида» қилган докладида, — 20-йилларнинг охирларидаги бутун Совет Иттифоқи халқ хўжалигидаги ана шундай маълумотли мутахассислардан кўпдир. Том маънодаги илм-фан вужудга келиб, камол топди...» Республикамизда илм-фаннинг гуркираб ривожланганлиги социализм даврида ҳақиқатга айланган тарихий мўъжизадир.

Шаклан миллий, мазмунан социалистик адабиёт ва санъатнинг вужудга келганлиги халқ классик ва ҳозирги замон музикасининг, профессионал театрнинг, ўзбек миллий кино санъатининг гуллаб-яшнаётганлиги ўзбек халқининг социализм даврида эришган ютуқлари, ленинча маданий революциянинг ажойиб натижасидир.

Революциядан илгари оддий меҳнаткаш инсон илмий муассасалардан, кутубхоналардан, театрдан баҳраманд бўла олган эмас. Ҳозир Ўзбекистоннинг ўзида 26 театр ишлаб турибди, булардан 2 таси опера театри, 2 таси филармониядир. 3, 8 мингдан кўпроқ клуб муассасалари, 6,4 минг оммавий кутубхона, 32 музей, 4 мингдан кўпроқ киноустановка, кўплаб спорт иншоотлари халқ хизматида.

Синфий жамиятларда бутун инсониятнинг ақл-идроки, техника ва маданият бойликлари кенг халқ оммаси учун эмас, балки бир гуруҳ эксплуататорларга хизмат қилдирилган бўлса, социализмда халқ учун хизмат қилади. Социализмда адабиёт ва санъат, илм-фан халқ учун, совет кишисида янги дунё қурувчиларининг фазилатларини шакллантириш учун хизмат қилади.

Ленинча маданий революция тантанаси ўзбек халқи ҳаётида қисқа бир тарихий муддат ичида рўй берган жуда катта сакрашдир. Маданий революция натижасида меҳнаткаш омма маънавий қуллик ва диний жаҳолатдан қутилди. Миллион-миллион меҳнаткашлар оммасининг социалистик онги шаклланди, халқ зиёлилари ўсиб етишди, ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланди, фан-техника, халқ маорифи гуркираб ривожланди, социалистик маданият яратилди.

Социалистик маданият — инсониятнинг маънавий тараққиётидаги жаҳоншумул тарихий қадамидир.



В. И. ЛЕНИН ва Совет Ўзбекистони — бу мавзу Тошкентдаги доимий музейида ўнлаб ва юзлаб экспонатлар, репродукциялар, диаграммалар, ёрқин мисоллар орқали ифодаланган.

Уларда ўлкамизда ленинча социализм қуриш плани қандай амалга оширилганлиги, республикамизнинг бугунги қиёфаси тўла акс этган.

Суратда: (ўнгда) Тошкентдаги В. И. Ленин музейи.

Р. Шагаев фотоси.

Ушбу қўшсаҳифани иқтисод фанлари доктори, профессор А. МАМЕДОВ, тарих фанлари доктори, профессор К. ЭШЧОНОВ, фалсафа фанлари кандидати, доцент З. ҒОФУРОВ ўртоқлар тайёрлаган.

ИСЛОМ ВА СИЁСИЙ КУРАШ

ВАШИНГТОН мусулмон давлатлари халқларини гўё АҚШ ўзининг Ғарбдаги иттифоқчилари билан бирга мусулмон давлатларининг содиқ дўстлари ва «ислом ҳомийлари» қилиб кўрсатишга зўр бериб ишонтирмоқчи бўлмоқдалар. Афтидан, бундай пропаганда уйдирмасининг ижодкорлари халқларнинг хотираси серфаромуш бўлади, мусулмонлар оммаси тарих сабоғини, мустамлакачиларнинг неча-неча ўн ва юз йиллаб аёвсиз зулм ўтказиб келганлигини унутиб юборганлар деб умид боғламоқдалар.

Тарих шуни эслатадики, ҳар сафар мусулмон давлатлари империалистик ҳукмронликдан қутулишга интилиб, ўзларига тегишли табиий бойликларни, айниқса нефтни ўз тасарруфларига олиб, улардан ўз ҳоҳишларига кўра фойдаланмоқчи бўлишганида АҚШ бошчилигидаги империалистик давлатлар уларни ўз ирода-ларига бўйсундириш учун дўқ-пўписа қиладилар ва ҳатто, куч ишлатишгача бориб етадилар. Буларнинг ҳаммаси мусулмон халқларида империализмга қарши кучли нафратни уйғотади, албатта, бу қаҳру-газаб гоҳ у, гоҳ бу мамлакатда революцион портлашга олиб келди ва олиб келмоқда.

Ҳозирги замон ижтимоий ҳаракатларининг сиёсий йўналиши диний шиорлар остида бўлиб, мураккаб ва ҳамиша ўзгариб туришга маҳкумдир. Аҳолиси ислом динидаги мамлакатларнинг ҳукмрон режимлари революцион демократик йўналишдан тортиб феодал — теократив қарашларгача ранг-баранг қарашларни ўз ичига олади. Исломнинг яшил байроғи ўтмишда ҳам, ҳозирги кунда ҳам империализм ва феодализмга қарши, шунингдек, консерваторларга ва ашаддий реакционерларга қарши курашчилар байроғи тимсоли бўлиб келмоқда.

Кўпчилик мусулмон мамлакатларининг жамиятй ҳозирги пайтда кўп укладли характерга эгадир. Деҳқонлар, шаҳарнинг майда буржуазияси аҳолининг катта кўпчилигини ташкил этиб, оммасининг диний ҳисси кучлидир. Ислом тарихан фақат расм-русум, ақида, динний маросимлардангина иборат эмас. У социал институтларга, мулкчилик формаларига, айниқса ҳуқуқ, фалсафа, сиёсий тузум, маиший яшаш қоидалари, ахлоқ, социал психологияга сингиб кетган ёки таъсирини ўтказиб келган.

Ислом идеологиясининг ўзи ундан хилма-хил ижтимоий оқимлар йўли билан фойдаланиш учун бой манба беради. Бошқа динний таълимотлар каби исломда ҳам тараққиётнинг халқлар уларни тарғиб қилиб келган муайян босқичида халқларни тенглаштириш руҳи кучли тус олиб келган. Қўръонда ҳам ва ислом ақидалари баён қилинган ривоятларда ҳам адолатпарлик жамият барпо этиш, эксплуатацияни юмшатиш, йўқсиллар аҳволини енгиллаштиришга қаратилган даъватлар оз эмас. Сўл мусулмон ташкилотлари ўз фаолиятларида исломнинг айни ана шу жиҳатига таяниб иш кўрди ва иш кўрмоқда.

Мусулмон мамлакатларидаги знёлилар, «ўрта табақалар» ва ишчиларнинг революцион қисми давримизнинг илғор ғоялари билан танишиб, бу ғояларни қабул қилишди, конкрет шарт-шароитларга татбиқан мослаштиришди. Бир қанча мамлакатларда коммунистик ва революцион-демократик партиялар вужудга келди. Улар динга ишонувчиларнинг кенг оммаси, мусулмон ташкилотлари билан биргаликда миллий мустақилликни мустаҳкамлаш ҳамда империализмга ва мустамлакачиликка қарши меҳнаткашларни эксплуататорлар зулмидан озод этиш, социал-иқтисодий тараққиёт йўлидан ҳаракат қилиш учун кураш талаблари асосида майдонга чиқдилар. Жазоир ва Сурияда, Афғонистон ва Яман Халқ Демократик Республикасидаги революцион-демократлар оммa манфаатларини кўзлаб ва уларнинг анчагина қисмининг қўллаб-қувватлаши билан ислом анъаналарининг чуқур илдизларини ҳисобга олган ҳолда ўзгартишларни амалга оширмоқдалар. Фаластин қаршилик кўрсатиш ҳаракатидаги, Ливиядаги, бир қатор Африка мамлакатларидаги миллий революцион кучлар Америка империализмига қарши кураш олиб бормоқдалар. Садат режимига оппозицияда турган Миср миллий прогрессив партияси сўл шиорлар остида диний арбобларни ҳам, дунёвий арбобларни ҳам бирлаштирди.

Мусулмон мамлакатларида динний ҳис-туйғуларнинг авж олишига, динний руҳ билан суғорилган сиёсий ҳаракатларнинг кучайишига бир қанча ҳоллар сабаб бўлди.

Бу давлатлардаги аҳолининг анчагина қисми бевосита ёки билвосита капитализмгача бўлган уклад билан боғлиқ бўлиб, ўзининг кўпчилиги жиҳатидан савдогарсиздир. У мусулмон анъаналари, одатлари, тартиблари, эътиқодларини унга бирдан-бир таниш бўлган ижтимоий турмуш ва онгнинг формалари деб билади. Йўқсиллар — деҳқонлар, шаҳар камбағаллари, ҳунармандлар, ўқувчи ёшлар, ишчи ва хизматчилар ишдан маҳрум бўлиб, синфий мансублигидан айрилганларнинг кўпчилиги учун ўз социалсиёсий интилишларини динний формада ифодалаш, шу жумладан империализм ва янги мустамлакачиликнинг зулмига қарши стихияли норозилик билдириш табиийдир. Динний қобиқдаги сиёсий норозилик баён этилиши барча халқларга уларнинг тараққиётидаги муайян босқичда хос бўлган ҳодисадир, деб ёзган эди В. И. Ленин.

Империалистик аралашув, капиталистик янги мустамлакачилик эксплуатацияси меҳнаткашларнинг динний анъаналар доирасида ишлаб чиқилган маънавий-аҳлоқий нормаларига қилинадиган ҳужумни ҳам билдиради. Бундай шароитда кўпчилик ривожланаётган мамлакатлар аҳолисининг кенг табақалари ўзларига ташқаридан тиқиштирилаётган олтинга сажда қилиш, ҳаёт тарзига, бойлик билан қашшоқлик ўртасидаги фарқнинг янада чуқурлашуви, порахўрлик ва сотқинликка муккасидан кетган юқори табақанинг вужудга келиб, мустаҳкамланиши, унинг прогрессив миллий маданиятни бостириши, зўравонликни, парнографияни тарғиб қилишига қарши курашда норозилик баён қилиш формаси сифатида исломдан фойдаланишади. Империализмга ва янги, мустамлакачиликка қарши динний кайфиятдаги курашчилар ўз муридларига меҳнатсеварлик, сабр-тоқат ғояларини сингдирмоқчи бўлиб, бу ғояларни мусулмон дини қобиғига ўраб, ундан исломнинг айни текисловчилик жиҳатидан фойдаланишга интилишади.

Билимдан бебаҳра оммагина эмас, балки билимдон омма табақаларнинг кўпгина намояндалари ҳам Ғарбий Европа ва Америка буржуазия намуналарида тузилган ижтимоий ва давлат тартибларини инкор этмоқдалар. Чунки бу тартиблар империалистик суқулиб кириш каналлари бўлиб хизмат қилади. Шу боисдан зиёлилар, миллий, айниқса майда ва ўрта буржуазия намояндаларининг анчагина қисми ҳозирги замон проблемаларини изоҳлаб бериш, озодлик курашида улардан қурол сифатида фойдаланиш учун анъанавий мусулмон тартибларига мурожаат қилмоқдалар.

ЧУНОНЧИ, Эрондаги шоҳ истибдоди қулаши арафасида аниқ ифодаланган революцион вазият юзага келди. Бу вазиятда юқори табақа мамлакатни аввалгидек бошқаролмай қолди, омма эса эскичасига яшашни истамади. Бундай шароитда муайян босқичда шиа руҳонийлари етакчилик ролини ўз зиммасига олди. Жумладан, шиа руҳонийлари бевосита давлат аппарати билан алоқадор бўлибгина қолмай, шу билан бирга сунний мазҳабига мансуб бўлган мамлакатлардан фарқли ўлароқ (сунний мазҳаби — исломнинг етакчи оқими) давлат аппаратига қарама-қарши турган эди. Эрон руҳоний арбоблари шоҳ режимининг халққа қарши, империалистпарвар характерга эга бўлгани учун ҳам, шунингдек, шоҳ ҳар хил йўллар билан руҳонийларнинг позицияларини ва таъсирини йўқотишга интилганлиги учун ҳам унга қарши оппозицияда бўлдилар. Америкалик «ислом дўстлари ва ҳомийлари» Исроил разведкаси билан биргаликда шоҳнинг маҳфий полицияси бўлган САВАКни ўқитган эди, САВАК режим душманларини, шу жумладан руҳонийларни қамоққа ташлаб, қийнади, бошқа ватанпарварлар каби дин арбобларини ҳам қийнаб, йўқ қилди. АҚШ элчиси Хелмс ҳавфсизлик масалалари бўйича шоҳнинг маслаҳатчиси эди.

Эрондаги революцион оқимда турли социал кучлар шоҳга қарши, империализмга қарши кураш негизида бир иттифоққа уюшдилар. Чириган режимнинг ағдарилиши узоқ ва мураккаб революцион жараённинг энг муҳим босқичи бўлиб, бу босқичда Эрон жамиятининг турли синфлари ўз талабларини илғари сурмоқдалар, улар «ислом софлигига» қайтиш шиорларини кўпинча ўзларича тушуниб, ўзларича талқин қилмоқдалар.

КЕЙИНГИ йиллардаги исломнинг таъсири давлатлараро муносабатларда ҳам сезила бошлади. Бу аввало капитализмнинг энергия-хомашё проблемаси кескинлашган шароитда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларининг роли кучайиши билан алоқадордир. Энергетика кризиси шунга олиб келдики, нефтга бой мамлакатларнинг ҳукмрон синфлари қўлида ҳаддан ташқари кўп капитал тўпланди. Шу региондаги бир қатор давлатлар ташқи сиёсатидаги антиимпериалистик йўл феодаллараргина эмас, балки маҳаллий йирик буржуазияга ҳам қарши қаратилган ички реформалар билан тўлдирилди. Шу боисдан консерватив режимлар революцион-демократик кучларга қарши курашдаги кучғайратларини мувофиқлаштириш йўллари ва методларини излашга тушдилар.

Аммо 1967 йилги Исроил агрессияси ҳамда унинг Шарқий Қуддусни мусулмонларнинг муқаддас саждагоҳи жиҳатидан учинчи ўринда турган «Ал-Акса» мачитини эгаллаб олиши кўпгина мусулмон мамлакатларни ташқи сиёсатида сезиларли бурилишлар ясади. Исроилнинг араблар ерини босиб олишдан иборат агрессияси, араблар ерини эгаллаб олиш мустамлакачилиги ҳамда араб давлатларини уларнинг ўз еридан ҳайдаб юбориши мусулмон мамлакатларидаги ҳали битмаган мустамлакачилик даврининг ҳали битмаган яраларини очиб ташлади. Ҳатто, бу мамлакатлардаги консерватив унсурлар ҳам Тель-Авивни орқа қилиб турган Америка империализмининг чинакам миллий манфаатларга душманлигини англаб ҳамда халқ оммасининг кайфиятини ҳисобга олиб, антиимпериалистик шиорларни кўтариб чиқа бошладилар. Улар Исроил босқинчилигини қўллаб-қувватлагани, Кэмп-Дэвиддаги тил бириктиришга бош қўшгани учун Вашингтонни қораламоқдалар, Исроил босиб олган араб ерларини, шу жумладан Шарқий Қуддусни озод қилишни, Фаластин араб халқининг поймол этилган қонуний ҳуқуқларини қайтариб олишни ҳимоя қилиб чиқмоқдалар. Эрон революцияси ўз мамлакатида Америка зўравонлигини барбод этибгина қолмай, империализмнинг зарбдор отряди бўлган сионизмга қарши курашни кучайтириш зарурлигини эълон қилганлиги натижасида халқаро майдонда анчагина машҳур бўлганлигидан мусулмон давлатлари хулоса чиқариб, фаластинликларни, бошқа араб халқларини қўллаб-қувватламоқдалар.

Баъзи мусулмон давлатларининг Ғарб билан анъанавий боғланган консерватив раҳбарлари ўзларининг расмий баёнотларида океан ортидаги ишончсиз ва хавфли «ҳомий»ларидан мустақил эканликларини кўпинча таъкидламоқдалар. Эрондаги революция ҳамда шоҳ режимининг ағдарилиши уларнинг ўз тақдиридан хавфсирашини кучайтирди. Америка империализми билан мустаҳкам ҳамкорлик шоҳни халқнинг қаҳр-газабидан қутқариб қололмади, аксинча уни ағдаришнинг асосий омилларидан бири бўлди. Кўпчилик мусулмон давлатларининг АҚШ улар устидан «ҳарбий соябон»лик қилишига, улар территориясида Америка қўшинлари ва базаларини жойлаштиришга қарши чиқаётганликлари бежиз эмас.

ВАШИНГТОН, шунингдек, Пекин Афғонистондаги воқеаларни рўкач қилиб, мусулмон мамлакатларидаги, реакцион кучларни антикоммунистик шиорлар остида бирлаштиришга, мусулмонлар ҳис туйғусини антисоветизм оқимига йўналтириб, диний формада амалга оширилаётган миллий озодлик ҳаракатини социалистик ҳамдўстлик мамлакатларига қарама-қарши қилиб қўйишга интилмоқдалар. Империалистик ва Пекин пропагандаси халқ манфаатлари йўлида амалга оширилган Афғонистондаги миллий демократик революция гўё «исломга душман»лик руҳида эканлигини зўр бериб «исбот» дашга уринмоқдалар. Ҳолбуки, динга ишонувчиларнинг кенг табақалари ҳам, ватанпарварлик кайфиятидаги руҳонийлар ҳам янги ҳокимиятни қўллаб-қувватламоқдалар.

Афғон диний арбобларининг муайян қисми, айниқса ағдариб ташланган феодал-помешчиклар синфи билан боғланганлар революцияга қарши чиқди. Бир қатор мусулмон ташкилотларининг оддий аъзолари шу ташкилотлар раҳбарлари томонидан ўз ватанларининг ички ишларига Америка—Хитой аралашувининг қуроли бўлиб қолишди. Покистон Афғонистонга қарши ёлланма қўпорувчилар юбориш ва агрессия қилиш базаси бўлиб қолди. Хитой ва АҚШ уларга қурол-яроғ етказиб бермоқда. Саудия Арабистони эса Афғонистонга қарши операцияларни маблағ билан таъминлаб турибди. Сўзда афғон мусулмонларининг манфаати ҳақида ғамхўрлик қилувчи, амалда эса унинг Тель-Авив билан огиз-бурун ўпишишини қоралаган Миср мусулмон ташкилотларидан шафқатсиз ўч олаётган Садат режими ҳам ёлланма аскарлар тайёрламоқда.

Афғонистондаги воқеалар муносабати билан Вашингтон ва Пекин авж олдириб юборган гўё «исломни ҳимоя қилиш» кампанияси деб аталган кампаниясига баҳо бериб, Сурия, Яман Халқ Демократик Республикаси, Жазоир, Ливия ташқи ишлар министрлари ҳамда Фаластинни Озод қилиш ташкилотининг вакили Дамашқда ўтказган матбуот конференциясида бундай дейишди: «АҚШ бошчилигида Исроил ва Миср режимининг иштирокида жаҳон империализми Эрон ва Афғонистондаги воқеалар хусусида кўтарган сунъий вавваса араб ва мусулмон халқларини асосий хавфга — сионистлар оккупациясига қарши кураш йўлидан четга бурибгина қолмай, араб ва мусулмон бирдамлигига раҳна солишни, Кэмп-Дэвид битимини боши берк кўчадан олиб чиқишга, араб миллати билан унинг дўстлари, биринчи навбатда Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар ўртасига нифоқ солиш мақсадини кўзда тутади».

...Шу асрнинг бошларида, мусулмон мамлакатларида турли оқимларнинг сиёсий жиҳатдан шаклланиш даврида Кайзер Германияси ўзини ислом «ҳимоячиси» қилиб кўрсатиб, бу билан усмонийлар империясини, кейин эса бутун Яқин ва Ўрта Шарқни ютиб юборишига ёрдам беришга умид боғлаган эди. Ҳозир маҳаллий реакцияга таяниб иш кўришга уринаётган АҚШ худди шундай ролга даъвогарлик қилмоқда.

Совет Иттифоқи Шарқ халқларининг чинакам дўсти бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади. В. И. Ленин Совет Иттифоқининг Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига муносабатини ифодалаб, бундай деб ёзган эди: «Ўз мамлакатингизга ўзингиз хўжайин бўлмоғингиз лозим! Сиз шундай қилишга ҳақлисиз, чунки сизнинг тақдирингиз ўз қўлингизда». Октябрь революциясидан кейин собиқ чор Россиясининг барча халқлари, шу жумладан ислом динидаги халқлар ҳам ўз олдиларида турган иқтисодий, социал, маданий проблемаларни ҳал этиб, ўз тараққиёти, ҳаёт даражаси, фаровонлиги, барқарорлигида шундай чўққиларга кўтарилдиларки, бу чўққилар Осиё ва Африкадаги миллион-миллион мусулмонларга орзу бўлиб қолмоқда.

СССР оммаининг диний ҳис-туйғуларига ҳурмат билан қараб, империалистик зўравонлик ва эксплуатацияга қарши, ўз тақдирини ўзи ҳал этиш учун, озодлик, мустақиллик, иқтисодий ва социал тараққиёт учун кураш-ётган барча мусулмонларга бирдамлик ва дўстлик қўлини узатмоқда.

А. ВАСИЛЬЕВ.
(«Правда», 14 апрель).

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

25 АПРЕЛДАН БОШЛАБ

ЯНГИ ПРОГРАММА

«КЎЗГА КЎРИНМАС ОДАМ»

ФАНТАСТИК-САРГУЗАШТЛИ АТТРАКЦИОН

«ЖАВОҲИРЛИ ТИЛЛА ТАЁҚЧА» халқаро мукофотининг эгаси, халқаро сеҳргарлар академиясининг профессори, Бутуниттифоқ кўригининг лауреати, РСФСРда хизмат кўрсатган артист

ОТАР РАТИАНИ

Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари соат 16.00 ва 19.30 да, якшанба кунлари соат 12.00, 16.00 ва 19.30 да бошланади.

Касса соат 10.00 дан ишлайди.

44-35-84, 44-35-91 телефон номерлари бўйича коллектив заявкалар қабул қилинади.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ДАВЛАТ МУЗИКА БИЛИМ ЮРТИ 1980—81 ўқув йили учун

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

фортепьяно, хор дирижёрлиги, торли чолғу асбоблари (скрипка, альт, виолончель, контрабас), духовой ва зарбли чолғу асбоблари (флейта, гобой, кларнет, фагот, труба, валторна, тромбон, туба), Ўзбек миллий чолғу асбоблари (най, қўшнай, чанг, рубоб-прима, қашқар рубоби, дутор-бас, доира, гижжак, гижжак-альт, гижжак-бас, гижжак-констрабас), баян, ашула, мусика назарияси.

Кундузги бўлим кириш имтиҳонларига 14 дан 30 ёшгача бўлган (вокаль ва дирижёрлик-хор мутахассислигига — 18 ёшли) кишилар қўйилади.

Ўқишга кирувчилар тўлиқсиз ўрта (етти ва саккиз йиллик) ёки ўрта мактаб ҳажмида маълумотга эга бўлишлари лозим.

Фортепьяно, торли чолғу асбоблари ва назария бўлимларига 7 йиллик музика маълумотига эга бўлган кишилар; дирижёрлик-хор, миллий чолғу асбоблари, баян, духовой ва зарбли чолғу асбоблари бўлимларига 4—5 синф музика маълумотига эга бўлган кишилар, ашула бўлимига эса вокаль иқтидорга эга кишилар қабул қилинади.

Қабул имтиҳонларига кириш ҳақидаги аризага (унда бўлимлар ва мутахассислик кўрсатилиши шарт) қуйидагилар қўшиб топширилади: 7—9 ёки 10 синф маълумоти ҳақидаги гувоҳнома (асл нусхаси ва 8—9 синф табели), музика мактабини битирганлик ҳақидаги гувоҳнома (асл нусхаси), тугилганлик ҳақидаги гувоҳнома (паспорт шахсан кўрсатилади), ҳарбий билет ёки чақирилиш қоғози (шахсан кўрсатилади), меҳнат (колхоз) дафтарчасидан (икки йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга кишилар учун) кўчирма, 4 та фотосурат (3х4 см.), медицина справкаси (286-форма).

Кундузги бўлимга кирувчилар қуйидагилардан имтиҳон топширадилар: мутахассислик, музика саводи; музика назарияси (фақат фортепьяно, назария ва торли чолғу асбоблари бўлимларига кирувчилар учун), сольфеджо ва эшитиш, хотира, ритмни текшириш; фортепьяно — дирижёрлик хор (маълумоти 4—5 синф ҳажмида бўлган) ва назария (маълумоти музика мактабининг 7 синфи ҳажмида бўлган) бўлимларига кирувчилар учун: умумий таълим мактабларининг 7—9 синфларини битиргилар эса етти йиллик ўқув программаси бўйича — она тили ёки рус тили ва адабий ўқишдан (ғозаки) имтиҳон топширадилар.

Умумий таълим мактабларининг 10 синфини битиргилар — СССР тарихи (ғозаки), она тили ёки рус тили ва адабиётдан (ишо) имтиҳон топширадилар.

Ўқиш муддати — 3 йилу 10 ой.
АРИЗАЛАР 1 ИЮНДАН 5 ИЮЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
Кундузги бўлим учун имтиҳонлар—6 июлдан 22 июлгача.
КОНСУЛЬТАЦИЯЛАР — 30 ИЮНГАЧА.
Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.
Директор номига аризалар юқорида санаб ўтилган барча ҳужжатлар билан биргаликда қуйидаги адресга юборилсин: Тошкент область, Бекобод шаҳар, 64-квартал, 19-уй.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Мультфильмлар. 10.25 — Сарсонлик-саргардонликда. Бадиий фильм, 10-серия. 10.40 — Киносаёзчилар клуби. Кўрсатув тугагач янгиликлар. 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.40 — Рус тили. 16.10 — Г. Синисало. Сампо балетига ёзилган куйлардан сюита. 16.30 — Мураббий. 17.00 — Қишлоқ хўжалиги. Бутуниттифоқ мусобақалари. 17.30 — Горичлар, қаердасиз! 18.00 — Ленин — журналист ва редактор. 19.00 — Қувноқ нотачалар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.35 — Фан ва турмуш. 20.05 — Меҳнат шон-шуҳрати байроқдорлари. 20.20 — Сарсонлик — саргардонликда. Бадиий фильм, 11-серия. 21.30 — Время. 22.05— Ҳужжатли экран. 23.10 — Дунё воқеалари. 23.25 — Гимнастиканинг уч куни.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I

11.30 — Физикадан ўқув кўрсатуви. 12.00 — Телефильм. 12.30 — Физикадан ўқув кўрсатуви. 13.00 — Тегирмон тўхтаганда. Бадиий фильм. 14.15 — Ўзбекистон мактаб ўқувчиларининг XXVI спартакиадаси. 18.20 — Қувноқлар даврасида. 18.50 — В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига. 19.15 — Ленин альбоми. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ижод Гулшани. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Студентлар концерти. 21.30 — Время. 22.05 — Пахта ҳам, гўшт ҳам. 22.20 — Студентлар концертининг давоми.

II

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Эстетика асослари. 21.00 — Физика. 22.00 — Фан ютуқларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларни савдо йўли билан реализация қилиш Бутуниттифоқ кенгаши. 22.25 — Майор Бўрон. Бадиий фильм, 1-серия.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 16|IV да Келинлар қўзголони.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 16|IV да Нурхон, 17|IV да Олифта.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 16|IV да Тинмасин, соз, 17|IV да Кўзингни каттароқ оч.

«УЗБЕКГИДРОЭНЕРГОСТРОЙ» трестининг

ЎҚУВ ПУНКТИ

Талимаржон ГРЭСи, Муборак шаҳридаги ТЭЦ (Қашқадарё области), Новоангрен ГРЭСи қурилишларида ишлаш учун қуйидаги ихтисослар бўйича мутахассисларни тайёрлайдиган

КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Сувоқчи-бўёқчилар, гишт терувчилар, гусеницали ва пневмо ғилдиракли кранларнинг машинистлари, йигма темирбетон ва металл конструкцияларни монтаж қилиш бўйича слесарь-монтажчилар, труба ётқизувчи слесарлар, электр пайвандчилар.

Стипендия — 75 сўм. Елғизларга ётоқхонадан жой берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Комсомол 40 йиллиги кўчаси, 39«а» -уй. Телефон 66-09-02.

«Узоргтехстроймелиорация» трести коллективи трест ходими Р. Йўлчиевага онаси

Муҳаррам АЛИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

САМБО. Бокуда ўтказилган халқаро анъанавий турнирда Совет Иттифоқи самбочилари барча вазн категорияларида бўйича совринли ўринга эришдилар. Ғолиблар орасида тошкентлик спортчилар ҳам бор. Жумладан, СССР спорт шарафини ҳимоя қилган В. Сободирёв 100 килограммдан ортиқ бўлган вазнлилар курашида оптин медалин қўлга киритди. Шу вазн категориясида яна бир спортчимиз С. Гогнадзе бронза медалини олди.

КАМОНДАН ОТИШ. Москвада ўтказиладиган XXII Олимпиада ўйинларида мамлакатимиз терма командасига номзод тошкентлик спортчи Наталья Бутузова Ереван шаҳрида ўтказилган мусобақаларда яна бир марта муваффақият қозонди. У анъанавий халқаро турнирнинг мутлоқ ғолиби деб топилди. Моҳир мерган М-2 машқини бажаришда 2551 очко тўплаб, биринчи ўринга кўтарилди. Унинг ҳамшаҳри Ольга Рогова эса 2504 очко билан учинчи ўринни эгаллади.

ФУТБОЛ. Биринчи лига командалари ўртасида мамлакат чемпионатининг тўртинчи тур ўйинлари бўлиб ўтди. Республикамиз вакили «Бўстон» командаси Ивано-Франковск шаҳрида маҳаллий «Спартак» коллективи билан куч синашди. Учрашув 1:1 ҳисобида тугади. Шундай қилиб тўрт турдан сўнг «Бўстон» активида беш очко бор.

СПОРТ ГИМНАСТИКАСИ. Андижонда спорт гимнастикаси бўйича республика биринчилиги мусобақалари ниҳоясига етди. Унда кўнгилли спорт жамиятларининг командалари составида 60 нафарга яқин спортчи иштирок этди.

ДУНЁ ОВОЗИ
чет эл хабарлари

МАЪМУРИЯТНИНГ ҚЎПОЛ ТАЗЙИҚИ ОСТИДА

ПРАГА, 14 апрель. (ТАСС). «Руде право» газетаси АҚШ миллий Олимпиада комитети Москва олимпиадасида қатнашмасликка қарор қилганлиги хусусидаги мақоласида соғлом фикр юритувчи ҳамма кишилар Олимпиада ўйинларини бойқот қилиш беҳуда ва мантиқсиз, деб ўйламоқдалар, деб ёзади.

Комитет Америка спортчилари катта кўпчилигининг талабларини ва истакларига зид ўлароқ шу қарорни қабул қилди, деб таъкидлайди газета.

АҚШ миллий Олимпиада комитети, деб давом этади «Руде право», мажлисга қўрқув ва умидсизлик вазиятида тайёрланди. Бугунги кунда АҚШ ҳокимият тепасида турган Картер, унинг маслаҳатчилари, бутун ҳукмрон синф группаси акл-идрокка қарши, Олимпиада идеяларига қарши, бошқача қилиб айтганда, халқлар ўртасида ҳамжиҳатлик идеяларига қарши уруш олиб борди. Картер ҳукумати дўқ-пўписани кучайтира бориб, комитет бойкот қилишга қарши чиққан тақдирда ҳам, Америка спортчилари Москвага бормайдилар, улар молиявий маблағдан маҳрум этиладилар, уларнинг Совет Иттифоқига боришлари тақиқлаб қўйилди дейишгача бориб етди.

Картер қарорим узил-кесил, бу қарорни бажариш учун президент сифатидаги ўзимга берилган ҳуқуқни қўллашгача тайёрман, деб комитетни ошкора огоҳлантирди. Президентнинг маслаҳатчилари важ йўқлигидан «миллий хавфсизликка хатар» деган гапда туриб олдилар.

Шундай қилиб, президент Картер Америка олимпиада ҳаракати тарихида энг қора куннинг режиссери бўлди, деб мақолани тугатади газета. У Олимпиада флаштокидан Американинг байроғини тортиб туширишга муваффақ бўлди. Спортчи ва туристларгина эмас, барча америкаликлар учун, шу билан бирга телетомошабинлар учун бу ҳақиқий зарба бўлди. АҚШ ҳукумати ёзлик Олимпиада ўйинлари каби ёрқин, такрорланмас воқеани кўриш ҳуқуқини уларнинг ҳар биридан тортиб олди.



ФРАНЦИЯ темирйўлчилари умуммиллий забастовка ўтказиб, турмуш ва меҳнат шароитларини яхшилашни талаб этдилар. Суратда: намойиш пайти.

Кейстон—ТАСС фотоси.

САЛЬВАДОРДАГИ АҲВОЛ

САН-ХОСЕ, 14 апрель. (ТАСС). Бу ерда олинаётган хабарларга кўра, реакцион ҳарбийлар ҳамда ашаддий ўнг террорчи гуруҳларнинг мамлакатдаги тараққийпарвар демократик ташкилотларга қарши ҳеч тўхтамаётган репрессиялари сабабли Сальвадордаги аҳвол ниҳоятда кескин бўлиб турибди. Ҳукмрон ҳунтанинг буйруғига биноан артиллерия билан қуролланган ҳарбий қисмлар ва полиция отрядлари Аркатао ва Канкаске посёлкаларининг қуролсиз деҳқонларига қарши жазо чораларини бошлаш учун Чалатенанго шаҳрининг шимолига тўпландилар. Бу деҳқонларнинг бутун «айби» шуки, улар заминдорларнинг ва улар ёллаган қуролли тўдаларнинг ўзбошимчаликларига қарши чиққанликларидир. Матбуотнинг хабар беришича, жазо отрядларининг қўмондонлиги ҳатти-ҳаракатларга Америка ҳарбий маслаҳатчилари раҳбарлик қилиб турганликларини эътироф этган.

Фарабундо Мартин номли халқ миллий озодлик кучлари қўлда қурол билан деҳқонларни ҳимоя этишга қарор қилдилар.

Кейинги кунларда ўз-ўзини мудофаа кучлари Сальвадорнинг шарқидаги Кускатлан, Усулутан ва Сан-Висенте департаментларида бир қанча муваффақиятли операциялар ўтказганлар. Улар Ордён гуруҳига мансуб фашист безориларни қуролсизлантирдилар.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

БЎДАПЕШТ. ВХР алюминий саноатини бошқаришнинг марказлаштирилган системасини жорий этишга тайёргарлик кўрила бошланди. Алюминия саноати Венгрия трестининг ҳисоблаш маркази янги системанинг ўзаги бўлади. Бу система тармоқдаги барча корхоналарни ягона занжирга бирлаштириб, ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштириш имконини беради.

Ишлаб чиқариш кўламларининг доимо кенгайиб бораётганлиги, технология жараёнларининг мураккаблашиши, мамлакат миқёсида тармоқ барча бўғинларининг аниқ-пухта келишиб иш олиб боришнинг муҳимлиги ана шундай системани жорий этиш зарурлигини тақозо қилди. Ҳозирги вақтда Венгрияда йил сайин 3 миллион тонна боксит қазиб чиқарилмоқда. Бу эса Европада қазиб чиқарилаётган ана шу фойдали қазилманинг қарийб 20 процентини ташкил этади.

ЛИССАБОН. Португалиянинг Эвора шаҳрида ер ислоҳоти проблемаларига бағишланган тўртинчи конференция ўз ишини тамомлади. Алентежу вилоятидаги кооперативлар ва коллектив хўжаликлар, демократик партиялар, касаба союз ва жамоат ташкилотларининг вакиллари бўлган делегатлар Португалия қишлоғида прогрессив ўзгаришларни сақлаш ва мустаҳкамлашга оид актуал масалаларни муҳокама қилдилар.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор уринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750.

БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; маданият — 325553; фотомух бир — 325894.

Р. 01925. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Б. 1586. 14